

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК*

КАРИМОВА НИЛУФАРХОН АЛИМДЖАНОВНА

**“ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ
ЭКСПОРТЕРЛАРНИНГ МУЛКИЙ МАНФААТЛАРИНИ
СУҒУРТАЛАШ ТИЗИМИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ”**

Мутахассислик: 5А341301 – “Суғуртада андеррайтерлик фаолияти”

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Х.Шеннаев

ТОШКЕНТ – 2010

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Миллий иқтисодиёт тараққиётида экспорт ва уни амалга оширишда юзага келадиган рискларни суғурталашнинг зарурлиги.....	7
1.1. Мамлакат иқтисодиётида экспортнинг тутган ўрни ва аҳамияти.....	7
1.2. Миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашнинг зарурлиги ва асосий шартлари.....	15
II боб. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашнинг асосий турлари ва уларнинг таҳлили.....	24
2.1. Ўзбекистонда экспорт операцияларини суғурталаш турлари ва уларга умумий тавсифнома.....	24
2.2. «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг экспорт суғуртаси бўйича фаолиятининг таҳлили.....	31
III боб. Ўзбекистонда миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашни такомиллаштириш йўналишлари.....	47
3.1. Ривожланган чет давлатларда экспорт суғуртасини ташкил этилиши.....	47
3.2. Ўзбекистонда миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш йўналишларини кенгайтириш йўллари.....	54
Хулоса ва таклифлар.....	65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70

Кириш

Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бормоқда. Экспорт корхоналар фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Бугунги кунда деярли кўпгина тармоқ ва корхоналаримиз ташқи иқтисодий фаолиятга тўлиқ жалб этилган бўлиб, ташқи бозорларни фаоллик билан ўзлаштирмоқда. Бу ҳақда Президент И.Каримов 2010 йилнинг 29 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоизга оширишга эришдик”¹.

Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металллар ва турли хом-ашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда. Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса сезиларли даражада камайгани ҳам яққол тасдиқлайди.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40-бет.

Миллий иқтисодиётда экспорт ҳажмини оширишга таъсир этувчи омиллар турлича бўлиб, улардан бири суғуртадир. Экспорт қилувчи корхоналар ўз маҳсулот ва хизматларини ташқи бозорларда сотиш жараёнида кўпгина рискларга дучор бўладилар. Мазкур рисклар сиёсий ва тижорат характерида бўлиб, уларнинг содир бўлиши оқибатида экспортерлар жиддий талофат кўриши мумкин. Суғурта ана шу кўрилган зарарларни ўрнини қоплаш йўли билан ўз товар ва хизматларини экспорт қилувчи корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Экспорт рискларини суғурта қилиш бўйича миллий суғурта компанияларимиз, хусусан, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шундай бўлишига қарамасдан, миллий экспорт қилувчи корхоналарнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Шунингдек, экспорт қилувчи корхоналарнинг суғурта компанияларига бўлган ишончини ҳам ижобий деб бўлмайди.

Юқоридагилар биз танлаган магистрлик диссертация мавзуси катта назарий ва амалӣ ҳамда шу билан бир қаторда долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертация ишининг ўрганилганлик даражаси. Халқаро миқёсда экспорт суғуртаси бўйича илмӣ ишлар олиб борган олимлар қаторига Ж.Диксон, Г.Леви, Ж.Орини, Ж.Батлер, Х.Скипер, Д.Бикельхопт, Д.Бланд, Д.Манэс, А.Шеффлеларни киритиш мумкин. ЕвроОсиё ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг тегишли олим ва мутахассислари ҳам экспорт суғуртасига оид илмӣ-тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Масалан, В.Шахов, Е.Коломин, Л.Орланюк-Малицкая, В.Сухов, Ю.Бугаев, К.Турбина, Т.Фёдорова, К.Жуйриков, В.Серебровский, Е.Гендзехадзе, В.Ивашкин, Р.Юлдашев, и.ф.д., проф. Собиров Ҳ.Р., и.ф.д., проф.Т.К.Иминов и.ф.д., проф. Ш.Имомов, т.ф.н., доц. Мирсодиқов М.А., и.ф.н., доц. Умаров С.А., и.ф.н., доц. Шеннаев Х.М., каби олимлар мазкур йўналишда ўз илмӣ асарларини эълон қилганлар. Афсуски, Ўзбекистон Республикасида миллий экспортерларнинг мулкӣ

манфаатларини суғуртаси мустақил илмий-тадқиқот иши мавзуси сифатида ўрганилмаган.

Магистрлик диссертация ишининг мақсади. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда суғуртанинг ўрни ва бу борадаги муаммоларни аниқлаш ҳамда миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мазкур магистрлик диссертация ишининг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг вазифалари. Диссертация иши мақсадига мувофиқ куйидаги вазифалар ҳал этилиши мўлжалланган:

- Мамлакат иқтисодиётида экспортнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- Миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашнинг объектив зарурлигини асослаш;
- Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш турларига тавсиф бериш;
- “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш бўйича фаолиятини таҳлил этиш;
- Ривожланган чет давлатларда экспорт суғуртасини ташкил этилишини ўрганиш;
- Миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш йўналишларини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Диссертация ишининг предмети. Экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш соҳасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганиш мазкур магистрлик диссертация ишининг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот объекти. Ишнинг объектини эса мамлакат суғурта компанияларининг, аввало, “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғуртаслашбилан боғлиқ фаолияти ташкил этади.

Магистрлик диссертация ишининг назарий асослари ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иқтисодиёт соҳасидаги асарлари, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, шу жумладан суғурта соҳаси бўйича қабул қилинган Президент фармонлари, қонунчилик ҳужжатлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг суғурта йўналиши бўйича эълон қилган илмий мақолалари ва монографиялари ушбу магистрлик диссертация ишини ёзишда дастурамал вазифасини бажарди. Шунингдек тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва йирик суғурта компанияларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Илмий изланишни амалга оширишда фанда маълум бўлган илмий-тадқиқотларни олиб бориш услубларидан фойдаланилди. Чунончи, рақамларни гуруҳлаш асосида маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усули, тизимли баҳолаш, фикрларни мантиқий таҳлили ва маълумотларни таққослама таҳлил этиш, илмий кетма-кетликни таъминлаш услублари қўлланилди.

I боб. Миллий иқтисодиёт тараққиётида экспорт ва уни амалга оширишда юзага келадиган рискларни суғурталашнинг зарурлиги

1.1. Мамлакат иқтисодиётида экспортнинг тутган ўрни ва аҳамияти

Экспорт атамаси инглизча “export”, лотинча “exporto” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “олиб чиқаман”, “четга чиқараман” деган маъноларни англатади. Экспорт деганда аслида товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологияларни ташқи бозорга чиқариш тушунилади. Товарларни бир мамлакат орқали олиб ўтиш (транзит) ва бир мамлакатдан олиб келинган товарларни бошқа мамлакатларга сотиш учун чиқариш (реэкспорт) ҳам экспортга киради.

Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган моддий бойликлар экспорт таркиби миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни билан боғлиқ. Саноати ривожланган мамлакатларга саноат маҳсулотлари, айниқса, машинасозлик маҳсулотлари ва технологиялар экспорт қилиш хос бўлса, қолоқ, аграр иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар экспортида хом ашё ва озиқ-овқат асосий роль ўйнайди. Якка зироатчилик хўжаликлари ҳукмрон бўлган мамлакатлар экспортида кўпи билан иккита товар тури асосий ўринни эгаллайди.

Юкларни ташиш, воситачилик операциялари, туризм, илмий-техника алоқаларидан ва бошқа хизматларни сотишдан олинадиган даромадлар кўринмас экспортни ташкил этади ва иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда унинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳар қандай давлат учун экспорт импорт ва чет элларда бошқа харажатларни тўлаш учун зарур бўлган чет эл валютасининг асосий манбаи. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатида экспортни кенгайтириш муҳим масала ҳисобланади ва давлат экспорт учун мўлжалланган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари

кенг қўллайди (солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий кўмаклар; экспортни давлат томонидан кредитлаш).

Экспортни чеклаш аксарият ҳолларда муайян мамлакатлар билан олиб бориладиган савдога эмбарго жорий этиш йули билан сиёсий мақсадларда амалга оширилади. Айрим товарлар экспорти баъзан иқтисодий ёки экологик сабабларга кўра чекланади (мазкур товарнинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳимлиги, йўқолиб бораётган ҳайвонлар ёки ўсимликлар турларини, миллий маданий-бадий бойликларни асраш ва бошқалар). Ўзбекистон Республикасининг божхона кодексига мувофиқ, товарлар экспорти божхона режимида, божхона тўловлари тўланганидан кейин, иқтисодий сиёсат тадбирларига риоя этилган ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан четга чиқарилади. Кўпгина мамлакатларда экспорт товарлари қўшилган қиймат солиғидан ва шунга ўхшаш солиқлардан озод қилинади

Жаҳон савдо ташкилоти доирасида савдо қилишнинг янги тартиби ташқи савдони бошқариш бўйича баъзи чораларни қўллаш имкониятини чеклаб қўйди. Шунга қарамадан, агар турли «рухсат берилган» субсидиялардан, «тўлов баланси» ҳақидаги халқаро савдо қонунларининг савдо билан бевосита боғлиқ бўлмаган бандларидан оқилона фойдаланилса ва халқаро савдо қоидаларини ижодий талқин қилинса, маневр қилиш учун сезиларли имкониятлар туғилади. Япония, Жанубий Корея, Тайвань сингари мамлакатлар ўз бозорларини ҳимоя қилиш учун жуда баланд тарифлар ва қатъий квоталар ўрнатмадилар. Аммо, кўплаб «норасмий» чоралар қўлланди. Бу мамлакатларда давлат чет элликлар учун мураккаб бўлган савдо тизимини кўплаб чекловчи қоидалар, андозалар, сифат тавсиялари ва ҳоказолар жорий этди. Хорижий рақобатчиларнинг мамлакат ичкарасидаги бозорларга кира олмасликларини таъминлаш учун «ғамхўрлик» қилди. Бу мамлакатларда кўпчилик компаниялар давлатдан ёки давлат ёрдамида имтиёзли кредит олдилар, кредитлар беришда «норасмий» тарзда фирмалар чет эл товарларини имкон бориचा сотиб

олмасликлари кўзда тутилди. Бу мамлакатлар импортни қийинлаштириш учун банклар билан турли келишувлар, рухсатномалар ва шунга ўхшаш бошқа «норасмий» чекловлардан фойдаландилар. Аҳоли ўртасида ҳам, жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олмаслик тўғрисида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон назариялари ва жаҳон тажрибаси давлатнинг иқтисодий ривожланиш ва экспортга йўналтирилганликни таъминлашда кўп функциялари ва муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда ҳозирги замон иқтисодий назарияси ва экспортга йўналтирилган тараққиётни тартибга солишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон қарийб 130 йил мобайнида, аввалига, Россия империяси тайзиқида, сўнгра Совет Иттифоқи таркибида бўлиб, унинг иқтисодий бошқа социалистик мамлакатлар сингари марказлашган режалаштириш механизми орқали тартибга солинадиган маъмурий-буйруқбозлик тизими асосланган эди. Бундай шароитда, табиийки, бозор иқтисодиётининг асосий тартибга солувчилари бўлмиш — талаб, таклиф ва рақобатга ўрин бўлмаслиги аниқ. Халқаро муносабатлар соҳасида эса, Ўзбекистоннинг имкониятлари бутунлай чегараланган эди, негаки иттифокдош республикаларнинг ташқи алоқаларини ташкил этиш ва бошқариш Москвадан амалга ошириларди. Марказнинг хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистондан кўплаб миқдорда хомашё ва дастлабки оралик, маҳсулотлар олиб кетилиб, марказда ва бошқа иттифокдош республикаларда қайта ишланарди. Сўнгра эса Совет Иттифоқи номидан хорижга экспорт қилиниб, хомашё ва дастлабки оралик маҳсулотларни қайта ишлашдан олинадиган юқори қўшимча (устама) қийматдан Ўзбекистон маҳрум қилинган эди.

Шунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида ўз хомашё ва дастлабки оралик, маҳсулотларни тулик, қайта ишлаб, юқори қўшимча (устама) қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташкил

этилмаганлиги ҳамда ўша вақтда республикадаги мавжуд бўлган корхоналарнинг хомашё ва бутловчи қисмлар бўйича бошқа иттифокдош республикаларга боғлиқлиги Ўзбекистоннинг иқтисодий қарамлигини янада кучайтирарди. Иттифок даврида республика ҳудудида ташкил этилган кимё ва металлургия корхоналари эса экологик жihatдан бирмунча зарарли бўлиб, улар марказ ва бошқа регионлар учун маҳсулотлар етказиб берарди.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистоннинг бевосита ташқи иқтисодий (шу жумладан, савдо) алоқалари фақатгина иттифокдош республикалараро миқёсдаги кооперация билан чегараланган эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон ўша даврда Иттифок, таркибида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва етиштириш бўйича етакчи ўринларни эгаллаганлиги, унинг умумиттифок халқ хўжалигидаги салмоғининг юқори бўлганлигини билдиради. Масалан, 10 дан ортиқ, турдаги саноат ва қишлоқ, хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифокда биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 25 турдан ортиқ, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етиштириш бўйича биринчи олтиликка кирган, шу жумладан, Ўзбекистон собиқ Иттифокда:

— пахта толасини, пахта териш машиналарини, пахта тозалаш қурилмаларини ва чигит экиш тракторларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни;

— пахта толасидан тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринни;

— табиий газ, шойи матолар, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш бўйича учинчи;

— электр энергия, минерал уғитлар, цемент ишлаб чиқариш ва кўмир қазиб олиш бўйича тўртинчи ўринни эгаллаган эди.

Ўша даврда Ўзбекистоннинг маҳсулотлари 70 дан ортиқ хорижий мамлакатларга Иттифок номидан чиқарилар (экспорт қилинар) эди. Совет Иттифоқининг ташқи савдо айланмасидаги Ўзбекистоннинг улуши салкам 5 фоизни (шу жумладан, экспортдаги улуши 3,3 фоизни) ташкил этарди. Шунини

хам айтиб ўтиш жоизки, Иттифоқ; тарқалиб кетишидан бир оз олдин, яъни 1989 йилда Ўзбекистонда «Ўзбекинторг» ташқи савдо бирлашмаси ташкил этилди. Шу вақтдан эътиборан Ўзбекистон ташқи савдода ўзининг нисбатан мустақил дастлабки қадамларини қўйишни бошлади. Ушбу дастлабки ташқи савдо бирлашмасида фаолият кўрсатган ва илк тажрибалар орттирган сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган маҳаллий мутахассислар мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишда етакчи ўрин тутдилар.

Шунга қарамай, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон халқаро иқтисодий муносабатларда иштирок этиш тажрибасининг етарли бўлмаганлиги ва ушбу соҳада тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги намоён бўлди. Ҳатто, иқтисодиётнинг ўзи ҳам халқаро бозор талабларига ва рақобат муҳити шарт-шароитларига мослашмаганлиги сезилар эди. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз жаҳон бозорларининг асосий қонуниятлари ва халқаро иқтисодий муносабатларга интеграциялашуви шартлари ҳақида ниҳоятда чегараланган билимларга эга эди.

Мустақиллик йиллари республикамизда экспортни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Экспортга ихтисослашган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастури асосида ўз маҳсулотларини четга экспорт қилувчи корхоналарга солиқдан имтиёзлар берилди. Бунинг натижаси ўларок, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. (2008 йилга нисбатан 100,1 фоиз), шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 8006,2 млн.АҚШ долларини ташкил қилди. Бунга қуйидаги жадвал маълумотларини кўриб, гувоҳ бўлиш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2009 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 55,5 фоизи экспортга, қолган қисми

импортга тўғри келган. Яъни, импортга нисбатан экспорт ҳажми кўп бўлган. Агар 2007-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, шу йиллари ҳам жами савдо айланмасида экспортнинг салмоғи юқори бўлганлигини кўрамыз.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг асосий
кўрсаткичлар¹**

(млн.АҚШ доллари)

	2007 йил	2008 йил	2009 йил
1. Ташқи савдо айланмаси	14227,1	19077,0	21209,6
шу жумладан:			
МДХ мамлакатлари	6994,8	7214,5	8006,2
Бошқа хориж мамлакатлари	7232,3	11862,5	13203,4
2. Экспорт	8991,5	11572,9	11771,3
шу жумладан:			
МДХ мамлакатларига	4273,0	4010,8	3921,3
Бошқа хориж мамлакатлари	4718,5	7562,1	7850,0
3. Импорт	5235,6	7504,1	9438,3
шу жумладан:			
МДХ мамлакатларига	2721,8	3203,7	4084,9
Бошқа хориж мамлакатлари	2513,8	4300,4	5353,4

Масалан, 2007 йилда жами савдо айланмаси миқдори 14227,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда экспорт 8991,5 млн. АҚШ долларини ёки бу умумий миқдорнинг 63,2 фоизини ташкил этган. 2009 йилда эса жами ташқи савдо айланмаси миқдори 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда экспорт 11771,3 млн. АҚШ долларини ёки бу умумий миқдорнинг 55,5 фоизини ташкил этган.

¹ Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси.-Т.: Давлат статистика қўмитаси.-2007 й.

Хулоса қилиб айтганда, сўнги 3 йил ичида Ўзбекистон ташқи савдо айланмасида экспортнинг салмоғи импортга нисбатан юқори бўлган. Бу республикамизга катта миқдорда валюта маблағларини кириб келишига шароит яратади.

Қуйида келтирилган жадвалда 2008-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятида экспорт ва импорт таркибига оид статистик маълумотлар келтирилган (2-жадвалга қаранг). Жадвал маълумотларининг таҳлили шундан далолат бермоқдаки, мамлакат экспорт тузилмасида энг катта салмоқни энергетика ва нефть маҳсулотлари эгаллаган. Ундан кейинги ўринни хизматлар ва пахта толаси эгаллаган. Хусусан, пахта толасини экспорти 2008 йилда жами экспорт қилинган товарлар ва хизматларнинг 9,3 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 8,6 фоизни ташкил этган.

Жадвал маълумотларига диққат билан эътибор қаратадиган бўлсак, 2008-2009 йилларда мамлакат экспорт таркибида бошқа товарлар катта ўринни эгаллаганининг гувоҳи бўламиз. Яъни, бошқа товарлар 2008 йилда 30,9 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 29,5 фоизни ташкил этган.

Мамлакатга импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2009 йилда Ўзбекистонга импорт қилинган товарларнинг катта қисми машина ва ускуналарга тўғри келган. Яъни, шу йили жами импортнинг 56,5 фоизи машина ва ускуналарни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган машина ва ускуналарнинг салмоқли қисми саноат ва кичик бизнес учун зарур бўлган янги технологиялардир. 2008 йилдаги импорт таркибида ҳам машина ва ускуналарнинг улуши юқори даражасини ташкил этган. Импорт бўйича иккинчи ўринни химия маҳсулотлари эгаллаган. Хусусан, 2009 йилда Ўзбекистонга жами экспортнинг 11,1 фоизини ташкил этувчи химия маҳсулотлари, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган химия маҳсулотлари олиб келинган.

**Ўзбекистон Республикаси экспорт ва импорт таркибидаги ўзгаришлар
динамикаси¹**

	2008 й. фоиз ҳисобида	2009 й. фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	100,0
Пахта толаси	9,3	8,6
Озиқ-овқат товарлари	4,5	6,0
Химия маҳсулотлари	5,6	5,0
Энергетика ва нефть маҳсулотлари	24,7	34,2
Қора ва рангли металлар	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	7,6	2,9
Хизматлар	10,4	8,8
Бошқалар	30,9	29,5
Импорт	100,0	100,0
Озиқ-овқат товарлари	8,3	9,0
Химия маҳсулотлари	11,6	11,1
Энергетика ва нефть маҳсулотлари	4,6	3,5
Қора ва рангли металлар	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	52,4	56,5
Хизматлар	4,4	4,4
Бошқалар	11,0	9,2

¹ Ўзбекистон статистика ахборотномаси.-Т.: Давлат статистика қўмитаси, 2007 й.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришга, дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, ташқи савдони такомиллаштириш орқали жаҳон бозор тизимига интеграциялашиш томон йўл тутди. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Экспортни кенгайтириш — республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани барқарорлигини таъминлайди.

1.2. Миллий экспортёрларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашнинг зарурлиги ва асосий шартлари

Миллий экспортёрларнинг фаолиятида юзага келадиган асосий рисклардан бири экспорт шартномалари билан боғлиқдир. Зеро, экспорт шартномалари бўйича олинган мажбуриятларни ўз вақтида ижро этилиши муҳим ўрин тутди. Экспорт шартномаларини суғурталашга қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- тўловни кечиктириш шартларида амалга оширилаётган ҳамда биринчи даражали банкларнинг тўлов мажбуриятлари билан таъминланмаган экспорт контрактлари сиёсий ва тижорат таваккалчиликлардан суғурта қилиш иловага мувофиқ тартибга биноан амалга оширилади.
- Тўлов кечиктирилишни назарда тутувчи экспорт контрактлар бўйича сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчилар ва тижорат банкларига суғурта ташкилотлари томонидаи берилади.
- Экспорт юк ташишларини суғурта қилиш Ўзбекистон Республикасининг

амалдаги қонун ҳужжатларига ва «Инкотермс» халқаро қоидаларига мувофиқ суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари томонидан амалга оширилади.

Экспорт контрактларини суғурта қилиш, шунингдек сармоя, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларида давлатнинг ва миллий экспорт қилувчиларнинг манфаатларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан ҳимоя қилиш мақсадида экспорт контрактлари бўйича тижорат банкларининг кредитларига суғурта қопламаси беришни назарда тутди. Суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган экспорт қилувчиларга (кейинги ўринларда «экспорт қилувчи» деб аталади) ва Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банкларига фақат келиб чиққан мамлакати Ўзбекистон бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш (лизинг ҳам шу жумлага киради) билан боғлиқ операциялар бўйича берилади. Экспорт контрактлари экспорт суғуртасининг халқаро нормаларига мувофиқ суғурта ташкилотлари томонидан суғурта қилинади. Тижорат ташкилотлари ҳисобланган ва суғурта қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахслар суғурта ташкилотлари сифатида эътироф этилади.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнида юзага келадиган рискларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Сиёсий таваккалчиликлар- - хорижий ҳамкор мамлакатда у томонидан қабул қилинган контракт мажбуриятлари бажарилишига тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қилувчи сиёсий ва макроиқтисодий вазият ноқулай ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар, улар экспорт контрактлари бажарилиши ва инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ таваккалчиликларга бўлинади.

Экспорт контрактлари бажарилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликларга қуйидагилар киради;

импорт ёки экспортга эмбарго жорий қилиш;

хорижий ҳамкор мамлакатдаги эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатлар, саботаж;

хорижий ҳамкор мамлакати ҳукуматининг тузилган контракт шартлари умуман ёки унинг қисмлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан Ўзбекистонга нисбатан камситувчи тусдаги янги қонун ҳужжатлари жорий этилиши;

хорижий ҳамкор мамлакатада конвертация қилинадиган валюта етишмаслиги туфайли трансферт кечиктирилиши, Ўзбекистон билан хорижий ҳамкор мамлакати ўртасидаги тўловларни чеклаб қўювчи хорижий ҳамкор мамлакатининг Ўзбекистонга ташқи арзига хизмат кўрсатишга мораторий эълон қилиниши.

Инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ сиёсий таваккалчиликларга қуйидагилар киради:

мулкнинг экспроприация қилиниши, шунингдек хорижий ҳамкор мамлакатада қабул қилинган мулк ёки улардан олинadиган даромад устидан назорат қилиш йўқолишига олиб келадиган ҳар қандай онун ҳужжатлари ёки маъмурий чоралар, хорижий ҳамкор мамлакати ҳукумати томонидан ўз ҳудудида иқтисодий фаолиятни тартибга солиш мақсадида жорий этиладиган умумий қўлланиладиган камситмайдиган тусдаги чоралардан ташқари;

хорижий ҳамкор мамлакатадаги эълон қилинган ёки эълон қилинмаган урушлар, фуқаролар ғалаёнлари, инқилоблар, террористик ҳаракатлар, саботаж.

Тижорат рисклари. Бу - хорижий ҳамкорнинг молиявий-иқтисодий аҳволи билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда унинг исбот қилинган тўловга қодир эмаслиги ёки банкротлиги билан ва контракт бўйича унинг томонидан қабул қилинган молиявий мажбуриятлар бажарилиши мумкин эмаслиги билан ифодаланади.

Сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш.

Банк кредитларини жалб қилмасдан тўловни тўлиқ (ёки қисман) кечиктириш шартларида амалга ошириладиган экспорт контракт бўйича суғурта қопламаси олиш учун экспорт қилувчи суғурта ташкилотига:

ариза - сўровнома;

экспорт контрактининг асл нусхасини ва нусхасини;

экспорт контрактини қўллаб-қувватлаш учун хорижий харидорнинг кафили томонидан суғурта ташкилоти ёки экспорт қилувчи фойдасига берилган карши кафолат (аксилкафолат)ни;

экспорт контракти қийматининг камида 15 фоизи миқдорида аванс тўлови олинганлиги тўғрисида банкнинг (экспорт қилувчининг ваколатли банкининг) маълумотномаси нусхасини тақдим этади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган контрактлар кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Берилган суғурта қопламаси суғурта ташкилоти томонидан тасдиқланган стандарт полис кўринишида расмийлаштирилади. Суғурта ҳақини тўлаш шартлари суғурталанувчи билан суғурта ташкилоти ўртасида тузиладиган якка тартибдаги битимда қайд этилади. Суғурта ташкилотининг суғурта полиси бўйича мажбуриятлари суғурта ҳақи унинг жорий счётига тушган кундан бошлаб кучга киради. Суғурта товони тўлаш тўғрисидаги қарор эътирозни ўрганиш ҳамда суғурта воқеасини ва унинг сабабини ҳамда етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳулоса асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган тижорат банклари ва (ёки) экспорт қилувчилар томонидан экспортга кредит беришнинг халқаро амалиётига мувофиқ шартларда ва муддатларга бериладиган кредитлар суғурта билан таъминланади, хусусан:

хорижий ҳамкор (харидор) томонидан контракт қийматининг камида 15 фоизи миқдоридаги аванс тўлови тўланганида, башарти кредит бир йилдан ортиқ даврга берилса;

кредитдан фойдаланишнинг 5 йилгача (имтиёзли давр чиқариб ташланган ҳолда бўлган, товарлариинг айрим турлари бўйича 12 йилгача бўлган энг кўп муддатига риоя қилинганда;

экспорт контракти бажарилгандан кейин кредит бўйича асосий қарз кредитнинг тўланмаган суммасига қўшилган фоизлар билан бир вақтда тўланган ҳолда камида ҳар олти ойда изчил тенг тўловларда қайтарилганда. Экспорт ва кредит талабларига ён босиш фақат суғурта ташкилоти билан ёзма келишувга кўра конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Компенсация ёки қарши битишув тузилган тақдирда экспорт ва импорт контрактлари мутлақо бир-биридан ажратилиши ва бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги керак. Тижорат банкларининг экспорт қилувчиларга тўловни кечиктириш билан боғлиқ бўлмаган контрактлар учун бериладиган кредитлари суғурта қилинмайди.

Тижорат банкларининг экспорт контрактлари бўйича кредитлари маҳсулот етказиб берувчининг кредити ва харидорга бериладиган кредит сифатида берилиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчининг кредити - кредит экспорт қилувчи томонидан етказиб берилган технология, товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловни кечиктириш кўринишида харидорга берилади. Экспорт қилувчи суғурталанувчи, экспорт қилувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банки бенефициар (наф кўрувчи) бўлади.

«Маҳсулот етказиб берувчининг кредити» тури бўйича суғурта қопламаси бериш қуйидаги изчилликда амалга оширилади: экспорт қилувчи билан хорижий харидор ўртасида экспорт контракти шартларининг келишилиши; ваколатли тижорат банкига ва суғурта ташкилотига ариза ва зарур ҳужжатлар туркумини тақдим этиш; аризанинг ваколатли тижорат банкида ва суғурта ташкилоти томонидан кўриб чиқилиши, лойиҳани маблағ билан таъминлаш мақсадга мувофиқлиги ва суғурта қопламаси бериш (ёки рад этиш) имконияти тўғрисидаги хулоса асосида қарор қабул қилиш; экспорт қилувчи томонидан хорижий харидор билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан контракт тузилиши; хорижий харидор томонидан суғурта ташкилотига ёки экспорт қилувчига импорт қилувчи мамлакати ҳукумати ёки хорижий банк

номидан аксилкафолат берилиши; ваколатли тижорат банки билан экспорт қилувчи ўртасида кредит шартномаси тузилиши ва маблағ билан таъминлаш бошланиши; экспорт қилувчи томонидаи хорижий ҳамкорнинг мажбуриятлари бажарилиши бўйича талаблар ҳуқуқининг суғурта ташкилотига берилиши, суғурта ҳақи тўланиши, суғурта ташкилотидан суғурта полиси олиниши; кредит бир йилдан ортиқ муддатга берилган тақдирда хорижий харидор томонидан контракт қийматининг камида 15 фоизи миқдорида аванс тўланиши; тузилган контракт шартларига мувофиқ экспорт қилувчи томонидан хорижий харидорга маҳсулот етказиб берилиши. Қарз мажбуриятларининг Ўзбекистоннинг ваколатли тижорат банкида ҳисобга олиниши; экспорт контракти бўйича етказиб берилган маҳсулот учун хорижий харидор томонидан экспорт қилувчига ҳақ тўланиши; экспорт қилувчи томонидан кредитнинг ваколатли тижорат банкига қайтарилиши;

Суғурта воқеаси юз берган тақдирда:

- а) экспорт қилувчи ёки ваколатли тижорат банки суғурта воқеаси юз берганлиги тўғрисида суғурта ташкилотини хабардор қилади;
- б) экспорт қилувчи ёки ваколатли тижорат банки суғурта ташкилотига зарарлар бўйича регресс ҳуқуқига кўра талабнома беради;
- в) суғурта ташкилоти эътирозни ўрганиб чиқади ва суғурта товони тўлаш ёки уни беришни рад этиш ҳақида асосланган қарор қабул қилади;
- г) харидорнинг кафили ёки хорижий харидор контракт бўйича арзни суғурта ташкилоти фойдасига тўлайди.

«Харидорга бериладиган кредит» - кредит амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банки томонидан, кредитни кейинчалик хорижий харидорга қайта молиялаш учун хорижий харидор банкига ёхуд экспорт контракти ҳақини тўлаш учун тўғридан-тўғри хорижий харидорга берилади. Ўзбекистон Республикаси резиденти - ваколатли тижорат банки суғурталанувчи бўлади. Суғурта қопламаси бериш қуйидаги изчилликда амалга оширилади: экспорт қилувчи

билан хорижий харидор ўртасида маҳсулот етказиб беришга экспорт контракти шартларининг келишилиши; ваколатли тижорат банки билан хорижий харидор ёки хорижий харидор банки ўртасида кредит битими лойиҳасининг келишилиши; экспорт контрактига суғурта қопламаси олиш учун ваколатли тижорат банки номидан суғурта ташкилотига ариза берилиши; аризанинг суғурта ташкилотида кўриб чиқилиши ва суғурта қопламасини маъқуллаш (рад этиш) тўғрисидаги хулоса асосида қарор қабул қилиш; Ўзбекистонлик экспорт қилувчи билан хорижий харидор ўртасида экспорт контракти имзоланиши; Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ваколатли тижорат банки билан хорижий харидор банки ёки хорижий харидор ўртасида кредит битими имзоланиши; суғурта ташкилотига хорижий харидор ҳукуматининг ёки хорижий банкнинг қафолати тақдим этилиши; ваколатли тижорат банки билан суғурта ташкилоти ўртасида суғурта шартномаси тузилиши; ваколатли тижорат банки томонидан суғурта мукофотининг тўланиши, суғурта ташкилоти томонидан экспорт кредити қопламасининг берилиши; экспорт контракти шартларига мувофиқ экспорт қилувчига хорижий харидор томонидан 15 фоиз аванс тўловининг тўланиши; ваколатли тижорат банки томонидан маблағ билан таъминлаш бошланиши; экспорт контракти шартларига мувофиқ экспорт қилувчи томонидан маҳсулот етказиб берилиши; хорижий харидор (банк) томонидан ваколатли тижорат банкига кредитнинг тўланиши;

Суғурта воқеаси юз берган тақдирда:

а) ваколатли тижорат банки томонидан суғурта ташкилотининг суғурта воқеаси юз берганлиги тўғрисида хабардор қилиниши;

б) ваколатли тижорат банки суғурта ташкилотига зарарлар бўйича регресс ҳуқуқига кўра талабнома беради;

в) суғурта ташкилоти томонидан эътирознинг ўрганиб чиқилиши ва суғурта товони тўлаш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилинишини;

г) харидор кафили ёки хорижий харидор томонидан суғурта ташкилотига қарзларнинг тўланиши.

Рискларни қоплаш суғурта ташкилоти томонидан сўмларда ёки ҳар қандай эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилади. Суғурта тўлови тузилган суғурта шартномасига биноан сўмларда ёки эркин алмаштириладиган валютада тўланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси резидентлари хорижий валютадаги суғурта тўловларини суғурта ташкилотлари томонидан хорижий банкларда очилган жорий счётларга тўлашлари мумкин. Суғурта тўловини тўлаш харажатлари экспорт контрактининг қийматига киритилади. Зарар етказилган тақдирда товон суғурта ташкилоти томонидан суғурта тўлови тўланган валютада амалга оширилади.

Суғурта тўлови миллий валютада тўланганда товон суғурта шартномасида кўрсатилган хорижий валютанинг тўлов кунидаги расмий курс бўйича тўланади.

Суғурта қопламаси бўйича суғурта товони:

а) уруш, инқилоблар ёки фуқароларнинг ғалаёнлари бўлган ҳолларда асосий сармоёга тўғридан-тўғри зиён етказилгани исботланганда ёки хорижий ҳамкор 10 ой мажбуран бекор турган тақдирда;

б) мулк экспроприация қилинган тақдирда ҳодиса юз берган санадан 10 ойдан кейин;

в) маъмурлар томонидан пул ўтказишга чеклашлар жорий этилганда 6 ой мобайнида валютани репатриация қилишнинг имконияти бўлмаган тақдирда;

г) контракт муносабатларига хорижий ҳамкор маъмурлари аралашган тақдирда маъмурлар аралашуви юридик тан олинган санадан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин;

д) Ўзбекистонлик инвесторларга нисбатан камситувчи тусга эга бўлган янги қонун-қоидалар жорий этилган тақдирда жорий этилган янги қонун-

қоидаларнинг камситувчи тусдалиги халқаро эътироф этилган санадан бошлаб 3 ойдан кейин;

е) хорижий харидордан ва хорижий харидор банкидан белгиланган тўлов кунидан бошлаб 3 ой ўтгандан кейин кутилаётган тўловлар олинмаган тақдирда;

ж) хорижий харидор ва (ёки) хорижий харидор банки банкротликка учраган тақдирда уларнинг банкротлиги эътироф этилганлигининг исботи тақдим этилгандан кейин 30 кун мобайнида тўланади.

Суғурта шартномаларида суғурта товони тўлашнинг бошқа муддатлари белгиланиши мумкин.

Хулоса қилиб таъкидлаганда, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда юзага келадиган рискларни суғурта қилишни такомиллаштириш йўлларида бири экспорт контрактлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ва банкларнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши ҳисобланади. Бунда сиёсий рисклардан суғурта қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**II боб. Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида миллий
экспортерларнинг мулкый манфаатларини суғурталашнинг асосий
турлари ва уларнинг таҳлили**

**2.1. Ўзбекистонда экспорт операцияларини суғурталаш турлари ва уларга
умумий тавсифнома**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунёдаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди ва жаҳон иқтисодий интеграциясига борган сари фаол жалб қилинмоқда, ривожланган давлатлар билан ўзининг хўжалик алоқаларини кенгайтirmoқда, ўзарo фойдали савдо-иқтисодий келишувлар тузmoқда.

Бундай келишувлар натижасида 1936 йилда халқарo савдо палатаси «International Chamber of Commerce - ICC» товар етказиб беришнинг тижорат шартларини шарҳлаш халқарo қоидаларининг мажмуи белгиланган хужжатни ишлаб чиқди. Ушбу шартлар ИНКОТЕРМС - 1936 деган ном билан шуҳрат қозонди. 1990 йилда ана шу қоидаларига, уларни шаклланган халқарo савдо амалиётига мувофиқлаштириш мақсадида ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

ИНКОТЕРМС - 1990 халқарo савдо палатаси (Байналминал халқарo савдо тижорат шартлари) ишлаб чиқилган хужжат бўлиб, унда товар етказиб бериш тижорат шартларининг шарҳланган халқарo қоидалари мажмуи белгилаб берилган.

Товар етказиб бериш шартларини ИНКОТЕРМС – 2000 га биноан акс эттириш Ўзбекистон Республикасида тузиладиган контрактларга қўйиладиган асосий талаблардан биридир. Қуйида ИНКОТЕРМС -2000 бўйича товар етказиб беришнинг тижорат шартлари берилган (3-жадвалга қаранг).

ИНКОТЕРМС-2000 халқарo савдо қоидаларининг таҳлили шунки кўрсатадики, халқарo савдо йўналишида аксарият юкларни жўнатишда қўлланиладиган усуллар CIF ва СТРдан иборат.

**ИНКОТЕРМС-2000 товар етказиб бериш бўйича
тижорат шартлари**

ИНКОТЕРМС-2000 бўйича товар етказиб бериш -базис	Шартли белгиси	Рискнинг сотувчидан харидорга ўтиши	Харажатларнинг сотувчидан харидорга ўтиши
Франко-завод	EXM	Товар сотувчи омборидан харидор ихтиёрига ўтган давридан бошлаб	Харидор товарни ўз ихтиёрига ўтказган дақиқадан бошлаб барча харажатларни ўз зиммасига олади
Франкоюк ташувчи (белгиланган жой)	FCA	Товарнинг юк ташувчи ихтиёрига ёки харидор томонидан кўрсатилган шахсга ўтган дақиқадан	Товарни белгиланган жойга етказиш учун юк ташувчи томонидаи қилинган барча харажатлар сотувчи томонидан тўланади
Кема борти ёнидан эркин белгиланган юк жўнатиш порти	FAS	Кўрсатилган кемада кема борти бўйича товарларни жойлашганлиги, юк жўнатиш порти	Товарларни кема борти бўйича жойлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни харидор ўз зиммасига олади
Франко-борти (келишилган юклаб	FOB	Кемадаги юкларни тушириш портни	Кема юкларини тушириш портни

жўнатиш порти)		кесиб ўтганда	кесиб ўтиш билан боғлиқ барча харажатларни сотувчи ўз зиммасига олади
----------------	--	---------------	---

Бу усуллар билан товарларни экспорт-импорт қилишда сотувчи ижобий келишувлар асосида товарни суғурта компаниялари орқали суғурталашга мажбур. GIF ва CIP шарти бўйича сотувчи юк суғуртасини албатта, таъминлаши шарт. Харидор эса ташиш жараёнини товарнинг йўқолиши ва шикастланиши билан боғлиқ хавф учун масъулдир. Сотувчи суғурта шартномасини тузади ва суғурта мукофотини тўлайди.

Харидорнинг CIP етказиб бериш шартига кўра сотувчи экспорт учун товарни божхонада ҳоли қилишни таъминлаши керак. CIP етказиб бериш шарти бўйича транспортнинг ҳар қандай туридан фойдаланилиши мумкин.

Халқаро савдо тижорат йўналишда қабул қилинган қоидалар барча йўналишлар бўйича суғурта шартномаларини тузишни тақозо этади. Суғурта ҳодисалари рўй бериши натижасида юзага келадиган харажатларни энг кам шкалага келтириш учун турли йўналишлар бўйича шартномалар олиб борилади. Бунга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Лондон суғурта институтининг юкларни суғурталаш тамойилига кўра (юклар ҳалокати бундан мустасно) халқаро йўналишда фаолият олиб бораётган суғурта компаниялари суғурта жавобгарлигини ўз зиммасига олади. Халқаро савдо йўналишидаги келишувларда Лондон суғурта институти томонидан ишлаб чиқилган «А», «В» ва «С» тамойиллардан юкларни суғурталашда кенг фойдаланилади.

Халқаро йўналишларда товарлар(ишлар, хизматлар)ни суғурталашни Ўзбекистан Республикасида «Ўзбекинвест» ЭИМСКси амалга оширади. «Ўзбекинвест» компанияси 1997 йил февралдан бошлаб Ўзбекистон

Республикаси ҳукуматининг қарорига биноан экспорт кредитларини суғурталаш бўйича давлат агентлиги вазифаларини бажаришга киришди.

Экспорт суғуртаси компания фаолиятининг асосий турларидан бири ҳисобланиб, хорижий бозорларда миллий экспортчиларнинг сиёсий ва тижорат рискларидан суғуртавий ҳимоялашни назарда тутди. Маълумки, кафолат билан ёки аккредитив билан маҳсулотни етказиб беришга нисбатан муқобил шакл сифатида экспорт шартномаларини суғурталаш полисининг мавжудлиги экспортчиларга хорижий харидорнинг тўлов шартларини бажаришга ишонч ва пулни кейинчалик тўлаб бериш шarti билан маҳсулотни тушириш имкониятини беради.

Халқаро ва ички юкларни ташишда юкларнинг суғуртаси кўп олди-сотди шартлари суғурталовчи ёки суғурталанувчининг суғурта шартномаси таркибида бўлади. Шартномада асосан, суғурта шартномасини тузишда мажбуриятни қайси томон олиши, сотувчи ёки харидор ва ташувчининг суғурта жавобгарлиги қандай миқдорда бўлиши ҳам кўрсатилади. Суғурта амалиётида юкларнинг суғурта шартномалари қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

- барча рисклар учун жавобгарлик. Барча турдаги зарарларнинг суғурта ҳимоясини англатади;

- хусусий авариялар учун жавобгарликда юкнинг аварияда кўрган зарари тўла ёки қисман қопланади;

- юк учун жавобгарликда юкларнинг тўла ёки қисман аварияси % ҳисобланмай, юкни олиб кетаётган транспорт воситаси аварияга учрагандагина тўланадиган сумма назарда тутилади.

Барча зарарларнинг суғуртавий қопланиши суғурта таърифлари асосида амалга оширилади. Суғурта тарифларини ишлаб чиқишдан асосий мақсад суғурталанувчига туғри келадиган эҳтимолдаги зарарнинг суммасини аниқлаш кўзда тутилади. Суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарарларни қоплашда икки хил усулдан фойдаланилади. Биринчи усулда юк барча рисклардан суғурта қилинади. Шу йўналиш бўйича «Ўзбекинвест» суғурта ҳимоясини

Лондон суғурта институти томонидан ишлаб чиқилган юкларни суғурталашда кўрсатилган «А» тамойили бўйича амалга оширади, аммо қуйидаги йуналишлар бўйича кўрилган зарарлар суғурта орқали қопланмайди:

- ҳарбий ҳолатлар натижасида, торпедаларнинг урилиши, бомбалар ва бошқа ҳарбий қуроллар оқибатида, кароқчилик ҳужуми, фуқаролар уруши, халқ кузғолони, мусодара қилиш, товарларни йўқ қилиш, товарларнинг ҳарбий ёки фуқаро ҳокимиятлари томонидан йўқ қилинишида;
- атом бомбаси портлаши оқибатидаги зарарлар ёки ҳар қанақа атом энергиясидан фойдаланганлик туфайли қуриладиган зарарлар;
- юкларни ташиш даврида йўл қўйилган хатолар оқибатида қурилган зарарлар;
- ҳарорат таъсиридан, ҳавонинг кескин алмашинуvidан ёки товар табиий хусусиятининг ўзгаришидан ёки товарнинг кўриб қолишидан;
- товарлар кадоқланиш қоидаларининг бузилишидан кўрилган зарарлар;
- юкларнинг ўз-ўзидан портлаши ёки қизиши натижасида ўт чиқиб кетиши оқибатида кўрилган зарарлар;
- юкларнинг халқаро кадоқланиш стандарти талабларига мос бўлмаганлиги оқибатида кўрилган зарарлар;
- товарларни ҳашорат босишидан кўрилган зарарлар ва бошқа ҳолатлар.

Иккинчи усул бўйича суғурта ҳимояси фақатгина қайд қилинган турларгагина тааллуқлидир. Бундай суғуртавий ҳимоя белгиланган «В» ва «С» шартлар асосида амалга оширилади. Масалан, агар сотувчи «В» бандита биноан огоҳлантирилган бўлса, келишилган санадан ёки етказиб бериш учун белгиланган муддатнинг тугаши санасигача бўлган жавобгарлик назарда тутилади. Бунда товар мазкур шартноманинг ашёси сифатида тегишли тарзда идентификация қилинади, Юкларни иккинчи ва учинчи вариант бўйича суғурталашда, юкларга бўлган риск ҳодисалари камроқ ҳимоя қилинади. Лондон суғурта институти қоидаcига асосан бу қуйидагича таърифланади:

- ёнғин, яшин, бурон ва бошқа табиий афатлар, кемаларнинг йўқ бўлиши ёки бир-бири билан тукнашиши, ҳавода ўзи учиб юрувчи қаттиқ предметларга қурилиши, кемаларнинг кумга утириб қолиши, портлаши, шикастланиши, палубаларини сув ювиб кетиши, куприкларнинг бузилиши;
- кема ва самолётларнинг бедарак йўқолиб кетиши;
- ортиш ва тушириш давридаги бахтсиз воқеалар содир бўлиши, ҳамда ёқилғиларни қабул қилишдаги содир бўладиган нохуш воқеаларда;
- умумий авария.

Юқорида қайд этилган тамойилларнинг таърифи қуйидагича:

А - суғурта рискларидан ҳимоялаш айрим рискларни инобатга олмаслик шарти билан тузилган шарнома бўлиб, унда юклар барча суғурта рискларидан ҳимояланади. Суғурталарнинг бу тури бўйича суғуртавий ҳимоялаш «Барча суғурта rischi бўйича жавобгарлик» масъулиятини белгилайди.

В - С айрим суғурта рискларини инобатга олиш шарти билан тузилган шартнома бўлиб, унда юклар шартномада кўрсатилган турлари бўйича ҳимояланади.

В ва С - юкларининг суғуртавий рисклар бўйича ҳимояланиши кам бўлади.

Юкларнинг «С» банди бўйича суғурталашнинг асосий йўналиши шундан иборатки, юклар кемаларнинг ҳалокатга учраши билангина зарарланса, у ҳолда суғурта ҳодисасидан кўрилган зарарнинг бир қисми қопланиши мумкин.

Юкларни суғурталашнинг ўзига хос томонларидан бири шундан иборатки, бунда фақат юкларнинг зарар кўрган миқдори қопланади. Бундай суғурталаш фақат транспорт воситаларида қўлланилади.

Шунинг учун барча кема ходимлари суғурта ҳодисаси содир бўлишининг олдини олиш чораларини мукамал равишда қўллашга ҳаракат қилади. Масалан, кема аъзолари кемани ёнғиндан сақлаб қолиш мақсадида юкларнинг бир қисмини ташлаб юбориши ёки уни сув билан учуриши мумкин.

Умумий авариядан ҳосил бўлган зарар ва харажатлар товар ва кема эгаси ўртасида унинг умумий қийматига кўра тенг тақсимланади ва зарар ҳисоблаб

чиқилади. Айрим ҳолатларда кўрилган зарарлар тулиқ ёки қисман аварияга сабабчи бўлган томондан қопланиши мумкин. Бундай жавобгарлик Денгиз савдо кодекси талаблари асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам товарларни қайси транспорт воситаларида ташилишидан қатъий назар сотувчи ва харидор товарларни экспорт-импорт қилиш мақсадида тузилган шартномаларда имкон қадар кам зарарланишни кўзда тутишлари лозим бўлади. Сотувчи ва харидорнинг у ёки бу суғурта вариантыни қабул қилишда биргаликда иш кўришлари муҳимдир. Ҳар икки томон CIF ёки CIP шартлари бўйича товарларни ташишда, мустақил риск қийматини инобатга олган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Товарларни CIF ёки CIP шартлари бўйича айирбошлашда сотувчи учун алоҳида товарларнинг суғурталаниши кўзда тутилмаган. Чунки, айрим товарларни (кокс, металл, чуян, нефть кабилар) жўнатиш жараёнида ҳеч қандай зарар кўрмасликлари мумкин. Қимматбаҳо машина ускуналари ва асбобларни жўнатишда бунинг аксини кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам томонлар шартномаларни имзолаш пайтида, ўзларига қулай бўлган суғурта вариантыни танлашлари керак бўлади. Томонларнинг келишувига биноан, айрим турдаги суғурта rischi ҳам суғурталаниши мумкин. Масалан, баъзи шартномаларда ҳарбий ҳолатдан, омма қўзғолонидан ва бошқа рисклардан суғурта қилиш назарда тутилади. Икки томонлама тузилган шартнома шартларининг бажарилишини тулиқ амалга оширишда суғурта компанияларини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хорижда ва Ўзбекистан Республикасида ҳозирги кунда жуда кўп суғурта компаниялари фаолият кўрсатади, аммо экспорт юкларни суғурталашни ҳамма компаниялар ҳам амалга оширавермайди. Ўзбекистонда халқаро савдо юкларини суғурталашни «Ўзбекинвест» ЭИМСКси амалга оширмоқда. Бу компаниянинг халқаро бозор йўналишида фаолият кўрсатаётганига 10 йилдан ошди. Тўпланаётган бой тажриба «Ўзбекинвест» компаниясини дунёнинг барча нуқталарида фаолият олиб бориши учун кенг имкониятлар очиб бераётган

бўлса, Ўзбекистонда «Суғурта фаолияти туғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса компанияни ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос яратиб берди.

1994 йил 13 апрель «Ўзбекинвест» суғурта компанияси ташкил этилганлигининг расмий санаси бўлиб ҳисобланади. Лекин компаниянинг алоҳида ўрни 1997 йилда белгилаб берилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра у 60 млн. АҚШ доллари миқдоридаги низом жамғармаси билан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси этиб қайта ташкил этилди. Хорижий инвесторлар ва миллий экспортчиларга инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган кутилмаган рисклардан ишончли суғурта кафотларини тақдим этиш компаниянинг асосий мақсад ва вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда «Ўзбекинвест» компанияси халқаро амалиётда қўлланиладиган суғурта хизматларнинг деярли барча турларини амалга ошириб келаётган Ўзбекистон суғурта бозоридаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланиб, сезиларли молиявий заҳираларига, мамлакат ичкарасида ҳамда хорижда филиаллар ва шубба корхоналарнинг ривожланган тармоғига, етакчи хорижий суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари билан алоқаларга эга кўп тармоқли универсал суғурта комплексини ташкил этмоқда.

2.2. «Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг экспорт суғуртаси бўйича фаолиятининг таҳлили

Мамлакатимизда ўтказилаётган босқичма-босқич иқтисодий ислохотлар ва олиб борилаётган ижтимоий сиёсат Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин ўтган 15 йил ичида демократик фуқаролик жамиятини ва ҳуқуқий давлат асосини яратишга имконият берди ҳамда суғурта бизнесини олиб боришнинг халқаро андозаларига мос келадиган, хилма хил суғурта хизматларини тақдим эта оладиган суғурта бозорини шакллантиришга имконият яратди.

Ўзбекистонда молиявий тизимни шаклланиб бориши ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган молиявий зарардан ишончли ҳимоя қилишни ривожлантиришда қўйилган ўзига ҳос қадамлардан бири 1994 йилда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясини ташкил этилишидир.

Экспорт ўсишини рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспортчиларни суғурта ҳимоясига олиш ва маҳаллий маҳсулотларни халқаро технологиялар, товарлар ва хизматлар бозорига комплекс маркетинг услублари воситасида кириб боришини таъминлаши мақсадида, компания Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 18 февралдаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 28 февралдаги Қарори билан «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси этиб қайта ташкил этилган.

Компаниянинг устав жамғармаси 60 млн.АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, таъсисчилар томонидан: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 50 млн. АҚШ доллари ва Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки 10 млн. АҚШ доллари киритилган.

«Ўзбекинвест» олдига республика ҳукумати томонидан қўйилган асосий вазифа - хорижий инвесторлар ва миллий экспорт қилувчиларни инвестиция ҳамда тадбиркорлик фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, қалтисликлардан ишочли суғурта кафолатлари билан таъминлашни ҳал этиш қўйидагиларни назарда тутати:

- хорижий ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилувчи сиёсий ва тижорат рискларидан чет элдаги миллий экспорт қилувчиларни иқтисодий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш;

- экспорт кредитларининг халқаро тамойилларга биноан технология, товар ва хизматларни экспортини молиялаштириш учун кредитлар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг резидент тижорат банкларига суғурта ҳимояларини тақдим этиш;

- технология, товар ва хизматлар халқаро бозорининг ривожланиш истиқболларини ва ҳолатини комплекс маркетинг таҳлилини ташкил этиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятларини ўрганиш ва технология товар ҳамда хизматларни халқаро бозорларда тақдим этиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига капитал қўйилмаларни амалга ошираётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш.

«Ўзбекинвест» компанияси қайта ташкил этилганидан бошлаб халқаро бозорда фаолроқ қатнашиш мақсадида 1997 йил Берн Иттифоқининг Прага Клубига аъзоликка кирди.

Прага клуби Берн Иттифоқи доирасидаги тузилма бўлиб, унинг асосий вазифаси янги ва ўсиб бораётган кредит агентликлари томонидан экспорт кредити ва инвестицияларга суғурта хизматларини кўрсатилишида кўмаклашиш ҳисобланади. Прага Клубининг аъзолари маълум даражагача ривожлангандан сўнг Берн Иттифоқига аъзо бўладилар. Бундай мақсадга эришиш учун «Ўзбекинвест» томонидан кенг миқёсдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан Берн Иттифоқи аъзоларининг ҳар йилда бўлиб ўтадиган учрашувида фаол қатнашиб келади ва бу учрашувлар жараёнида бошқа аъзолар билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида турли хил шартномаларни имзоламоқда.

Ҳозирги кунда мамлакат суғурта бозорида ўзининг тегишли обрўсига ва мавқеига эга бўлган «Ўзбекинвест» компанияси ўтган даврларда шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўтди ҳамда айни пайтда у бозор шароитида ишлаш бўйича кўп йиллик тажрибага эга, барқарор молиявий потенциални яратиш ва ривожлантириш ҳамда ишчанлик фаолиятини кенгайтириш борасидаги тўпланган улкан билим ва кўникмаларга эга. Шу билан бирга компания фаолиятини ривожлантириш учун улкан потециал бор. Бу потенциал унинг хизматлар турини, сифатини ва ҳажмини оширишдаги имкониятларидадир.

Бундай имкониятлар нималарга асосланиши илмий таҳлил этилса куйидагилар аён бўлади:

Фундаменталлик. Маълумки Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга оширишдаги муҳим ютуқларидаа бири суғуртада бозор муносабатларини шакллантириш, давлат суғуртасининг монополиясига барҳам бериш ва суғурта секторини мавқеини кўтариш бўлди. Бу давлат бошқарув органлари томонидан суғуртани мамлакат бозор инфраструктурасининг асосий қисмларидан бири деб билувчи фаол сиёсатининг маҳсулидир.

Суғурта бозорининг ривожланиб бориши мамлакат иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, валюта сиёсатини эркинлашуви ва ташқи иқтисодий алоқаларни рағбатлантиришга йўналтирилган қонунчилик-меъёрий асосларни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқ.

Мустақил мамлакатимизда суғурта бозорининг шаклланишида ўзига ҳослик бор. Йирик миллий компания бўлган «Ўзбекинвест»нинг ҳамда давлат капитали иштирокидаги бошқа ихтисослашган компанияларнинг ташкил этилиши мамлакатда суғурта бизнеси ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор яратди ва Ўзбекистонни халқаро молиявий ҳамжамиятига кириб бориши учун қулай шароитлар яратди. Шу сабабли суғурта бозорининг етакчиларидан бири бўлган «Ўзбекинвест» компанияси мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги эришилган ютуқларга таянган ҳолда ўзининг бизнес фаолиятини янада ривожлантириш учун мустаҳкам асосга эга.

Мақсадга интилувчанлик. Ташкил қилинишининг асосий мақсадига амал қилган ҳолда, «Ўзбекинвест» мижозларга жаҳон андозаларига мос келувчи хизматлар кўрсатадиган, етакчи ўзбек суғурталовчиларидан бири бўлиб, маҳаллий суғурта бозорида янги бўлган маҳсулотларни яратиш ва жорий қилишда маълум муваффақиятларга эришди. Энг асосийси, компания ўзининг фаолияти давомида кенг халқ оммаси, ҳамкорлари ва мижозларининг ишончини қозонди.

Бозорни молиявий инфратузилмасини шакллантириш умумдавлат устивор йўналишларини амалга ошириш суғурта бозоридаги ўзининг ўрнини мустаҳкамлаш борасидаги мақсадли сиёсатни олиб бориши туфайли 2004 йил ҳамда 2005 йил якунига кўра компанияга Saipro рейтинг агентлиги томонидан uzA+ «Юқори ишончлилик даражаси» рейтинги берилди, бу билан компаниянинг юқори молиявий барқарорлиги тасдиқланди.

Ҳозир шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, «Ўзбекинвест» суғурта бозоридаги маълум рақобат афзалликлари бутун республика бўйича дистрибьютерлик тизимига эгаллиги, керакли ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги, савдо маркасининг потенциал суғурталанувчилар ичида танилганлиги ҳамда молиявий барқарор ва ишончли компания сифатидаги обрўси борлигидадир.

Кенг қамровлилик. Компания ихтисослашган тузилмалар тармоғини кенгайтириш сиёсатини олиб бориб, суғурталаш жараёни ҳамда миқдорларга хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ ривожланган ва мослашувчан ташкилий тузилмани шакллантирди. Булар жумласига «Суғурта олами» суғурта бизнеси ўқув маркази, вилоятлардаги ва Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳудудий филиаллар тизими, Лондон шаҳридаги «Ўзбекинвест Интернэшнл», кўшма корхонаси, тўртта ихтисослашган шўъба корхоналар: «Ўзбекинвест Эксиминформ» Маркетинг агентлиги, «Ўзбекинвест Ассистанс» Сервис агентлиги, «Ўзбекинвест Сармоялари» инвестиция компанияси ва «Ўзбекинвест Хаёт» Шўъба суғурта компанияси киради.

Инноваторлик. «Ўзбекинвест» ташкил қилинган вақтдан бошлаб, янгиликни жорий қилувчи компания сифатида танилди. Янгиликни жорий этиш компания маркетинг фаолиятининг турли босқичларида намоён бўлмоқда: бозор эҳтиёжларига жавоб берадиган, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш; бозорда ўзига муносиб ўринни танлаб олиш ва эгаллаб туриш; бизнес мақсадига эришиш учун янги маркетинг коммуникацияларини топиш ва ишлатиш.

Компания хозирги замон маркетинг коммуникацияларини ишлатиб ўзининг мавқеини кўрсатиш мақсадига йўналтирилган реклама ахборот ишларини жамоат ичида олиб борган маҳаллий бозордаги суғурта компаниялардан энг биринчиси бўлди. Шунини айтиш лозимки берилаётган рекламалар кенг халқ оммасида суғурта ҳақида ижобий фикр ҳосил қилиш, суғуртага ишонч уйғотишга йўналтирилган.

Сифатлилиқ. Хар қандай ташкилот томонидан таклиф этилаётган хизматларнинг юқори сифатли бўлиши унинг бизнесдаги муваффақиятининг ҳаётий зарур шартини ҳисобланади. 2003 йил декабрь ойида RW TUV (Германия) сертификатлаш ташкилоти томонидан ўтказилган сертификацион аудит якунларига кўра, «Ўзбекинвест»нинг сифатни бошқариш тизими халқаро ISO 9001:2000 стандартига тўғри келиши эътироф этилди ва жаҳоннинг барча мамлакатларида тан олинган TUV CERT сертификатини олди.

Сифатни бошқариш тизимининг асосий вазифаси хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражага етказиш, уни барқарор ушлаб туриш ва бунинг натижасида mijozлар мамнунлигининг ўсиши ва суғурта бозоридаги рақобатда устунликка эришишдан иборат.

Шу билан бирга бундай сертификатнинг мавжудлиги Компания жаҳоннинг етакчи суғурта ташкилотларининг ишончини қозониши учун ва «Ўзбекинвест»нинг халқаро суғурта бозорига янада интеграциялашувига ёрдам беради.

Ишончлилиқ. Хизматларнинг ишончлилигини таъминлаш учун, хар қандай суғурта компанияси каби «Ўзбекинвест» компанияси ҳам қалтислик даражасини камайтириш ҳақида қайғуради. Маълумки, қалтисликларни қайта суғурталаш, амалга оширилаётган суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. «Ўзбекинвест» томонидан маҳаллий қайта суғурталаш бозорини ривожлантириш борасида ва халқаро суғурталаш ва қайта суғурталаш бозорини фаол ўзлаштириш бўйича илк қадамлар қўйилган. Бу компанияга Европа

Иттифоқи, АҚШ, МДХ, Болтиқбўйи, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари, экспорт-кредит агентликлари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатишга имконият яратди.

Молиявий барқарорлик ва мижозлар манфаатини ҳимоя қилишнинг максимал ишончлилигига эришишга суғурта қопламаси тақдим этиш муддатларини оптималлаштириш, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини самарали бошқариш ёрдам бермоқда. Бундай оптимал объектив ёндашиш натижасида компания ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида ҳамкорлари ҳимоясининг ишончли кафолати имижини сақлаб келмоқда.

Компаниянинг инвестиция фаолияти суғурта захираларини жойлаштириш масаласини инфляция даражасига нисбатан юқорироқ бўлган даромадлиликка эришиб, юқори ликвидликни ҳамда тизимли ва нарх қалтисликларини тақсимлашни кўзда тутди. Албатта бундай ёндашув ўзининг самарасини беради.

Танилганлик. Хозирги кунда «Ўзбекинвест» бозордаги энг йирик суғурталовчи бўлиб, катта имкониятларга эга. Компания давлат органлари томонидан ташкил қилинадиган ишчи гуруҳлар таркибида қонуний ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўп йўналишли ва ўзаро танилганлик асосида олиб борилиши ўзини самарасини беради. Қайта суғурталаш операцияларини ривожлантириш, суғурта ишини ташкил этиш тажрибасини ўрганиш, ходимларни ўқитиш тизими асосини яратиб бориб, компания ташкил этилган даврлардан бери, турли мамлакатлардаги 50 дан ортиқ молиявий ташкилотлар билан икки томонлама битимлар тузилган. Бу эса компаниянинг чет элликлар учун Ўзбекистон бозоридаги ишончли ва истиқболли ҳамкори сифатида тан олинганлигини исботидир.

Компания амалга ошираётган суғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида жаҳоннинг танилган ва етакчи Марш,

АОН, Виллис суғурта брокерлари ва Мюнхен, Цюрих, Альянс қайта суғурта жамиятлари билан фаол иш олиб борилмоқда.

Суғурта тўлиқ ишончга асосланган соҳа. Шу сабабли, суғурта маҳсулоти ҳаёт даврининг барча босқичларида мижозлар билан мулоқотда бўлган мутахассис-ходимлар юқори маҳоратли бўлишлиги тақозо қилинади. Компанияда кадрларни тайёрлаш ўқитиш ўргатиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган. Бунинг натижасида компаниянинг узлуксиз ривожланишига эришилади. Компания олдига давлат томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда компаниянинг ёш жамоасининг ғайрати, шижоати ва юксак касбий маҳорати асосий кафолатлардан биридир.

Коммуникабеллик. Мамлакат миқёсида ташкил қилинган компаниянинг ҳудудий филиалларининг ҳар бири ўзининг ҳудудида суғуртага бўлган эҳтиёжларни қондириш билан бир қаторда, аҳолининг суғурта ҳақидаги тушунчасини шакллантиришда, уларда суғуртага ишончни оширишда ўз хиссасини қўшади. Ҳудудий филиаллар тизими, улардаги ходимларнинг маҳорати, хизмат кўрсатишнинг юқори сифати компаниянинг маҳаллий бозордаги тутган ўрнини мустаҳкамлашга нуфузли мижозларнинг ишончини қозонишга кафолат бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки суғурта бизнесини илмий ташкил этиш: ташкилотнинг ўзига хослиги ва тутган ўрнини аниқлаб олиш; бизнесни юритишда янгиликни доимо киритиб бориш; рақобатдаги ўз афзалликларини доимо излаш, топиш ва фойдаланиш; ҳар бир мижознинг талабларига қараб иш кўриш, бозор муносабатлари ривожланиб бораётганда ўз самарасини беришини исботлайди.

Айни пайтда, «Ўзбекинвест» ўзини республикада суғурта маданиятини ривожлантирувчи миллий суғурта компанияси вазифасини бажараётган ижтимоий йўналишдаги ташкилот деб ҳисоблайди. Шу сабабли компания мамлакатда суғурта маданиятини шакллантиришда фаол ўрин эгаллаб, миллий суғурта бозорида амалга оширилаётган барча асосий лойиҳаларда иштирок

этиб келмоқда. Республикада суғуртани ривожлантиришда, суғуртанинг афзалликлари ва аҳолининг суғурта маданиятини оширишни тарғиб қилиш мақсадида замонавий PR-коммуникациялардан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри реклама акцияларини ўз ичига олувчи кенг кўламли реклама-ахборот тадбирларини ўтказишни давом эттирмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг суғурта бозори тобора жадал ривожланмоқда. Кундалик ҳаётимизда суғурта хизматларидан борган сари тез-тез фойдаланадиган бўлиб қолдиқ ва бу ҳолдан тегишли ваколатли давлат органлари эълон қилаётган статистика маълумотлари ҳам далолат бермоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги мажлисида қилган маърузасида бу тармоқда, айнан бизнесни суғурталаш соҳасида олиб борилаётган ишлар етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасини 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари «Ўзбекинвест» компаниясининг 2010 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Чунончи: Биринчи йўналиш - кўрсатилаётган суғурта хизматларининг ҳам бутунлай, ҳам айрим турлар бўйича сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш. Иккинчи йўналиш - экспорт-импортни суғурталаш ҳажмларини ошириш йўли билан миллий экспортимизнинг ривожланишига, миллий экспортчилар орасида реклама, тушунтириш (семинарлар, ўқув курслари) ва маслаҳат бериш ишларини кенг амалга оширишга, вазирликлар ва идоралар билан, қўшма корхона ва ташқи савдо компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Учинчи йўналиш - чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ва улар амалга ошираётган инвестиция лойиҳаларини суғурта ҳимояси билан

таъминлаш воситасида чет эл инвестицияларини жалб этишга ҳар томонлама ёрдам бериш.

Тўртинчи йўналиш - ипотекани кредитлашни, истеъмол кредитларини ва микрокредитларни, лизингни суғурталаш (мол-мулкни, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш ва ҳоказо) хизматлари соҳасини ва ҳажмини кенгайтириш йўли билан банк-молия тизими янада ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш.

Бешинчи йўналиш - жисмоний шахсларни суғурталашни ривожлантириш ҳамда ҳаётни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, тиббий суғурта, мол-мулкни, жавобгарликни суғурталашни ривожлантириш, республиканинг барча минтақаларидаги маҳаллий бошқарув органлари (маҳаллалар) билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ижобий ижтимоий фикрни шакллантириш ҳамда суғурта институтига ишончни ошириш мақсадида кенг реклама-тушунтириш ишини олиб бориш йўли билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш воситаларини таъминлаш ва такомиллаштиришга ҳар томонлама ёрдам бериш.

Олтинчи йўналиш - йирик хатарларни қайта тақсимлаш ҳамда чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали компаниянинг хатарларни диверсификациялаш стратегияси доирасида амалга оширилаётган суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини янада тулиқ таъминлаш.

Еттинчи йўналиш - республика минтақаларида суғуртани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, вакиллар ва дистрибьюторлар тармоғини кенгайтириш, компания ходимларининг малакаси ва профессионал даражасини ошириш.

2008 йилда эришилган натижалар тўғрисида сўз борар экан, шуни кўрсатиб ўтиш зарурки, «Ўзбекинвест» компанияси 73,7 мингта шартнома тузди ва 9,92 млрд. сўмдан кўпроқ суғурта мукофотларини тўплади. Тўпланган маблағнинг 56 фоиздан кўпроғи ҳудудий филиалларнинг ҳиссасига тўғри

келмоқда. Бу эса, суғурта минтақаларда ҳам ривожлана бошлаганлигидан дарак беради.

2008 йилда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан тузилган суғурта шартномалари бўйича қабул қилиб олинган суғурта мажбуриятлари 4290,4 млрд.сўмни ташкил этган. Бунни қуйида келтирилган диаграмма маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

1-диаграмма

**“Ўзбекинвест” ЭИМСК бўйича қабул қилиб олинган суғурта
мажбуриятларининг динамикаси¹**





Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2007-2008 йилларда қабул қилиб олинган суғурта мажбуриятлари ҳажмида айтарли ўзгариш бўлмаган.

¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

**“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан
тўланган суғурта қопламалари динамикаси¹
(млрд.сўм)**




Юқорида келтирилган диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006-2008 йилларда “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан тўланган суғурта қопламалари динамикасида нотекис тенденция кузатилган. Яъни, 2006 йилда компания томонидан 2,6 млрд.сўм миқдорида суғурта қопламалари тўланган бўлса, 2007 йилда тўланган суғурта қопламалари миқдори 3,3 млрд.сўмни ёки 2006 йилга нисбатан 0,7 млрд.сўм кўпроқ суғурта қопламалари тўлови амалга оширилган. 2008 йилда эса компания томонидан амалга оширилган суғурта қопламалари миқдори 3,1 млрд.сўмни ташкил этган.

¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида миллий экспортёрларни комплекс суғурталашга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, компания 2008 йилда умумий мажбуриятлар суммаси 94,1 млрд. сўм миқдорида бўлган суғурта полисларини сотишга эришди. Шу билан бирга, экспортни суғурталаш юзасидан қабул қилинган мажбуриятлар ҳажми 2008 йил якунлари бўйича 2007 йил билан таққослаганда 34,2 фоиз ўсишига эришилди.

3-диаграмма

**Экспортни сиёсат ва тижорат билан боғлиқ хатарлардан суғурталаш
бўйича олинган мажбуриятларнинг
ўсиш динамикаси (млрд. сўм)¹**



“Ўзбекинвест” компанияси фаолиятининг муҳим тамойили мижозлар ишончи ва эътирофига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Бунга, энг аввало, жадал ва сифатли хизмат кўрсатиш, суғурта ҳолатлари юз берса суғурта тўловларини (товон пулларини вақтида тўлаш йўли билан эришилади. Қандай

¹ “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

мижозни биринчи навбатда кизиқтирадиган суғурта тўловларининг амалга оширилиши ҳақида сўз борар экан, шуни айтиш мумкинки, 2008 йил якунлари бўйича 3,1 млрд. сўмдан кўпроқ суғурта бўйича товлон пуллари тўланди, шулардан 588 млн. сўмдан кўпроғи жисмоний шахсларга тўғри келди. Компания учун тўловларнинг мукофотларга нисбати, яъни зарарлилик (тўловлар) коэффиценти 22,2 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳам Ўзбекистондаги, ҳам чет элдаги йирик суғурта компаниялари учун ўртача норма даражасидадир. 2007 йилга таққослаганда, амалга оширилган андеррайтинг туфайли ушбу кўрсаткич 1,6 фоизга камайтирилди. Масалан, чет элдаги денгизда юк ташишни суғурталаш билан шуғулланадиган суғурта компанияларида зарарлилик коэффиценти, баъзан 50-60 фоизга етади, ҳаётни суғурталаш билан шуғулланадиган компанияларда эса мазкур кўрсаткич бундан ҳам юқори даражададир. Шунини айтмоқчиманки, компаниямиз ҳар бир мурожаат ўз вақтида ва дарҳол кўриб чиқилишини жуда қатъий кузатиб боради, бунинг учун бизда ҳатто ихтисослашган ассистанс компания – “Ўзбекинвест Ассистанс” ташкил этилган. Ушбу компания тиббий, юридик ва техник ассистанс бўйича хизмат кўрсатади, у суткасига 24 соат ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 апрелдаги ПҚ-325-сонли “Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида компаниямиз кўрсатилаётган хизматлар ассортиментини кенгайтириш ва сифатини ошириш ишларини давом эттирди ҳамда 2006 йилга белгиланган ҳамма режа кўрсаткичларини бажарди.

Шунингдек, 2008 йилда тадбиркорлик хатарини кўчмас мулкни гаровга олган ҳолда суғурталаш, истеъмол кредитлари бериш билан боғлиқ банк хатарини суғурталаш (ипотекани комплекс суғурталаш), тиббий харажатларни суғурталаш (тиббий суғурталаш), автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ва бошқалар соҳасида бир қатор суғурта маҳсулотлари (шу жумладан, уларга

услугий кўрсатмалар ҳам) ишлаб чиқилди, муайян ижобий натижалар қўлга киритилди.

Турган гапки, компания 2010 йилда бу ишни давом эттиради, шу билан бирга юқорида кўрсатилган йўналишлар, устувор тамойилларга ҳамда ҳозир амал қилиб турган суғурта дастурларини модернизациялаш ва республика иқтисодиётининг ҳамма тармоқларини қамраб оладиган янги суғурталаш дастурларини жорий этиш сиёсатига қатъий амал қилади, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига алоҳида эътибор беради.

2010 йилда компания узоқ ва яқин хориж мамлакатларидаги яна еттита етакчи брокерлик ва еттита қайта суғурталаш компанияси билан ҳамкорлик ўрнатди. Бу ишдан мақсад амалга оширилаётган суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, катта-катта хатарларни қайта тақсмилаш ва диверсификациялашдан иборатдир. Умуман олганда, “Ўзбекинвест” компанияси фаолият бошлаганидан бери чет эллик шериклар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида 50 дан ортиқ битим ва шартнома тузди.

Компаниянинг кредитлар ва инвестициялар суғуртачилари Берн Иттифоқининг Париж клубига аъзолиги доирасида SMECA (Сербия ва Черногория) ва ECGA (Уммон) билан ҳамкорлик ҳақида битим, EGFI (Эрон) билан факультатив қайта суғурталаш ҳақида битим ҳамда Ислон инвестицияларни ва экспорт кредитларини суғурталаш корпорацияси (ICIEC) билан ўзаро англашув Меморандуми имзоланди. Ушбу битимлар бўйича мамлакатимиз корхона ва тадбиркорлари билан савдо-сотиқни амалга ошираётган муқобил шерикларга доир ахборот ҳамда ўзаро тажриба алмашиш таъминланмоқда. Шундай қилиб, биз миллий экспортчиларимизга уларнинг чет элдаги шериклари, шерикларнинг молиявий аҳволи ҳақида ахборот бериш йўли билан яқиндан ёрдам бераёпмиз, уларнинг тижорат ва сиёсат билан боғлиқ хатарларини баҳолаяпмиз. Биз экспорт хатарларини суғурталашга ёки қайта суғурталашга қабул қилиш билан тадбиркоримизнинг ишончли эканлигини тасдиқлаяпмиз. Турган гапки, “Ўзбекинвест” компанияси у ёки бу компаниялар

ҳақидаги бирор бир молиявий маълумотни ошкор қилмайди, лекин унинг у ёки бу битимни суғурталашга розилик бериши ёки суғурталашни рад этишининг ўзиёқ миқозга маълум бир белги бўлади ва биз унга бошқа схемалардан фойдаланишни тавсия этишимиз мумкин.

2010 йилда ҳам биз чет элдаги суғурта ва қайта суғурталаш компаниялари-янги шериклар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва мавжуд шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

“Ўзбекинвест” компаниясининг ўз сармоялари ва суғурта захиралари 170,0 млрд. сўмдан ошади. Ўзбекистан рейтинг компанияси ҳам «Ўзбекинвест» компаниясига муносиб баҳо бериб, унга Ўзбекистондаги суғурта компаниялари орасида энг юқори рейтингни - «UzA+» («юқори ишончлилик даражаси») рейтингини берди. Шунингдек, компания ҳар йили «ПрайсвотерхаусКуперс» («PriceWaterhouseCoopers») компаниясида ташқи молиявий аудитдан муваффақиятли ўтиб келмоқда ва сифат менежменти тизимининг ISO 9000:2001 халқаро стандартига мувофиқлик сертификатиغا эга.

Компания бундан буён ҳам жушқин ривожланиш, миллий экспортчиларни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини қўллаб-қувватлаш, чет эл инвестицияларини жалб этишга ёрдам бериш, уларни ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш, суғуртада инновация технологияларини жорий этиш стратегиясига амал қилади. Компания миқозлар билан ўз муносабатларини индивидуал асосда ташкил этиш, ҳар бир суғурта қилдирувчига максимум эътибор билан қараш, уларга ҳар томонлама пухта андеррайтингни, суғурта портфелининг мутаносиблигини ва диверсификациясини таклиф қилишни мўлжалламоқда.

III боб. Ўзбекистонда миллий экспортёрларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталашни такомиллаштириш йўналишлари

3.1. Ривожланган чет давлатларда экспорт суғуртасини ташкил этилиши

Маълумки, савдо муносабатларини ҳудудий ўзаро яқин жойлашган мамлакатлар ўртасида такомиллаштириш мақсадида юкларни етказиб беришда, автомобил транспортидан фойдаланиш - жаҳон мамлакатлари иқтисодий муносабатларида характерли ҳол. Автотранспорт суғуртасида транспорт воситаларининг механизмлари ва бошқ қисмлари суғурта объекти сифатида иштирок этади. Ушбу суғуртада суғурталанувчи ўз мулки ёки ижарага олган транспорт воситасини суғурта қилиши назарда тутилади. Бунда суғурталанувчи мулкӣ манфаатлар нуқтаи назаридан транспорт воситасини суғурта қилади. Транспорт воситаларини суғурталаш амалиётида турли усуллар қўлланилади. Ҳар бир усулда суғурталовчининг мажбурияти ўзига хос кўринишда бўлади. Вариантлар бир-биридан суғурта шартномалари ва риск ҳажми билан фарқ қилади. Суғурта шартномасида кўзда тутилган турларига кўра кўрилган зарарлар, йўқотишлар қисман ёки тўла қопланади.

Шартномада кўрилган зарарни тулиқ қоплаш кўрсатилган бўлиши мумкин, аммо ҳодиса техник ҳолатлар (шиналар ишдан чиқса ёки ишлаб чиқарувчи завод транспортни техник носозлик билан чиқарганлиги аниқланса) билан боғлиқ. бўлса, у ҳолда кўрилган зарарлар тўлиқ қопланмайди. Суғурта шартномаларида табиий офат, ёнғин, портлаш, йўл транспорта ҳодисаси содир бўлганида, юк утирланса, деталлари олиб кетилган ҳолларда кўрилган зарар қисман қопланиши мумкин.

Автомобил ва бошқа транспорт воситалари, уларнинг ҳақиқий баҳоси бўйича суғурталанади. Автотранспорт суғуртаси бўйича шартномалар бир неча гуруҳга бўлинади:

- автотранспорт воситаларининг алоҳида суғуртаси дунё мамлакатлари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, «Каско суғуртаси» дея аталади. Ундан ташқари, транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларисиз суғурта қилишнинг Карго суғуртаси ҳам мавжуд;
- баъзи ҳолларда бир вақтнинг ўзида икки хил суғурта турларидан фойдаланиш мумкин. Унда транспорт воситаси, юк ва ҳайдовчи биргаликда суғурта қилинади;
- транспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс томонидан келтирилган зарар учун фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси.

Баъзан авария сабабчиси бўлган шахсни аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки авария атайлаб содир этилганида ва шу билан бирга суғурта шартномаси муддати тугаган бўлса, у ҳолда жабрланувчини ҳимоялаш учун Германияда махсус фонд ташкил этилган. Бу фонд ҳисобидан суғурта қопламаси берилади.

Транспорт воситаларини суғурталашдаги муҳим кўрсаткичлардан бири двигатель қувватига кўра белгиланган тариф ставкаларидир. Барча суғурта компаниялари суғурта тарифини белгилашда бир неча сабабларни ҳисобга оладилар. Масалан, техник ҳолати, цилиндр ҳажми, юк кўтариш даражаси, ўриндиқлар сони. Халқаро савдо муносабатлари ривожига автотранспорт воситаларининг ўрни бекиёс. Бу эса бугунги кунда автотранспорт суғурта тизимини халқаро талаблар даражасига олиб чиқишни тақозо этади. Автотранспорт воситаларини халқаро миқёсда суғурталаш тизими жорий этилган бўлиб, бу «Яшил карта» тизими деб номланади. «Яшил карта» тизими 1953 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган.

Ўзбекистонда Буюк Ипак йўлининг қайта тикланиши ўз навбатида Ўзбекистоннинг бошқа хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантирмоқда. «Яшил карта» тизимида фаолият олиб бориш учун талаб этиладиган асосий шартлардан бири «мажбурий автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш» бўйича қонуннинг қабул қилиниши, «Яшил карта» тизимида иштирок этишни истаган давлатларнинг ҳар бирида Миллий

бюро ташкил этилиши ва бунга барча четга чиқадиган автоуловли фуқаролар аъзо бўлишлари керак бўлади.

Ўз вақтида социалистик давлатларда мажбурий автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш амалга оширилган ва у «Кўк карта» номи билан фаолият олиб борган. Унинг фаолияти ҳам «Яшил карта» фаолиятига ўхшашди. Ҳозирги кунда Польша, Венгрия, Чехия, Словакия ва шунингдек Болтиқбуйи республикалари (Литвадан ташқари), Украина, Молдова «Яшил карта» нинг иштирокчиси бўлса, 36 давлат «Яшил карта» тизимига аъзо.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланаётган автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бунга республикамизга кириб келаётган хорижий автотранспорт воситалари учун қўшимча равишда 2000 йил 12 январда 11-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарори мисол бўла олади. Қарорда автотранспорт воситалари эгаларининг учинчи шахс олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш жорий этилди. Бунда фуқароларнинг жавобгарлиги ҳамда суғурта мукофотлари миқдори двигател қувватига ҳамда ёқаётган ёнилғи турларига қараб белгиланиши кўзда тутилди. Шунга кўра автотранспорт воситалари турларига қараб Қозоғистон ва Туркменистон Республикалари учун қуйидаги суғурта ставкалари жорий этилди:

Ҳар икки ҳолатда ҳам бу ишни божхона органи ходимлари амалга оширади ва суғурта компаниялари билан шартномада келишилган тартибда суғурта мукофотини компаниянинг ҳисоб варағига ўтказди.

Туркменистон Республикаси автотранспорт воситалари учун ёқилғи турлари бўйича қўшимча йиғамлар жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 18 февралдаги 59-сонли қарори билан «Ўзбекистон ҳудудига кириб келаётган ҳар бир автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг учинчи шахс олдидаги

фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта тўлов ставкаси» қабул қилинди. Бунда суғурта ставкаси тўловлари қуйидагича белгиланган:

4-жадвал

**Автофуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича
тариф ставкалари**

т/р	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги ҳажмига қараб суғуртавий ставка тўловлари (фоизда)	
		1000 АҚШ доллари (Қозоғистон)	3000 АҚШ доллари (Туркманистон)
1	Юк автомашиналари	1,0	2,0
2	Автобуслар	0,8	2,0
3	Ёнгил автомашиналар	0,5	1,5
4	Трактор, комбайн, бошқа ўзи юрар ва машина механизмлар	0,4	1,0
5	Мототранспорт	0,2	0,7

№	Транспорт турлари	Суғурта жавобгарлиги миқдорига қараб суғурта ставка тўлови (фоизда)
		3000 АҚШ доллари (Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари учун)
1	Юк автомашиналари	2,5
2	Автобуслар	2,0
3	Микроавтобуслар	1,8
4	Ёнгил автомашиналар	1,5
5	Трактор, комбайн, узиюрар машина ва механизмлар	1,0
6	Мототранспорт	0,7

Хорижий автотарспорт воситалари эгаларининг учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш бўйича тариф ставкалари.

Қозоғистон Республикаси автотранспорт воситалари учун суғурта суммаси миқдори:

- мулкка етказилган зарар учун 400 АҚШ доллари;
- ўлим билан боғлиқ ҳолатлар учун 600 АҚШ долларини ташкил этади.

Туркменистон Республикаси автотранспорт воситалари учун суғурта суммасининг миқдори:

- мулкка етказилган зарар учун 1000 АҚШ доллари;
- ўлим билан боғлиқ ҳолатлар учун 2000 АҚШ долларини ташкил этади.

Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари автотранспорт воситалари учун суғурта суммаларининг миқдори:

- мулкка етказилган зарар учун суғурта қопламаси 1000 АҚШ доллари;
- ўлим билан боғлиқ ҳодисалар учун суғурта қопламаси 2000 АҚШ доллари ҳисобида белгиланган.

«Яшил карта» шартномасида иштирок этаётган давлатларда автотранспорт воситаларининг суғурта жавобгарлиги суғурта полисида қайд этилганидек эҳтимолдаги ҳодиса учун жавобгарлик тенг олиб борилиши кўзда тутилган. «Яшил карта»нинг асосий элементи «Миллий бюро» ҳисобланади. Бу бюро орқали барча транспорт ҳаракатлари назорат қилиб турилади. Суғурта ҳодисалари рўй берганда «Миллий бюро» суғурта компаниялари билан ҳамкорликда муайян миқдорда суғурта қопламалари берилишини ташкил этади. Миллий бюро, ўз навбатида, халқаро бюрога бирлашган бўлиб, уларнинг қароргоҳи Лондонда жойлашган.

Денгизлар орқали юк ташиш ҳажми кенгайиб бораётганлиги сабабли кемаларни турли суғурта ҳодисаларидан суғурталаш муҳим роль уйнамоқда. Шу сабабли, бундай суғуртада суғурта жавобгарлигининг қуйидаги турлари инобатга олинган: барча келтирилган зарар, шу жумладан, йўловчилар ва кема экипажи аъзоларининг ҳаёти, саломатлигига келтирилган зарар ҳамда бошқа

шахсларнинг мулклари бўйича суғурта жавобгарлиги. Денгиз суғуртаси кемалар, юклар ва фрахт суғуртаси, кема экипажларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлик суғуртаси шаклида амалга оширилади. «Фрахт» учинчи шахс олдидаги жавобгарлик маъносини англатади.

Европа мамлакатларида денгиз суғуртаси бўйича ўзига хос қоидалар мавжуд. Денгиз транспорти (кема)ни суғурталашда бир неча суғурта компаниялари бир вақтнинг ўзида қатнашишлари мумкин. Бунда асосан етакчилик қилаётган суғурта компанияси билан келишиб олинади. Бошқа суғурта компаниялари эса етакчи компания раҳбарлигида фаолият юритади.

Кема эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳамкорликда суғурталашни амалга оширувчи клублар ташкил этилган. Суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарар суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасида имзоланган шартнома асосида амалга оширилади.

Бундай клублар купгина иқтисодий ривожланган давлатларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзаро суғурталаш компанияси 1720 йилда Лондонда ташкил этилган. Унга кўра, содир этилган зарарларни «Ўзаро суғурталаш» компанияси қафолатлайди. Ҳозирда дунёнинг 70 га яқин давлатларида кема эгаларининг ўзаро суғуртани амалга оширувчи клублари фаолият кўрсатмоқда, Мазкур шохобчалар қароргоҳлари Буюк Британия, АҚШ, Швейцария, Норвегия, Япония каби давлатларда жойлашган.

Энг йирик ўзаро суғурта компанияларидан бири «Бермуд ассоциация»сидир. Бу ташкилотнинг фаолияти байналмилал кўринишда. Ташкилот кема эгалари миллатидан, кемаларининг ҳажмидан қатъи назар шартнома тузади. «Бермуд ассоциацияси» йўналиши бўйича «Ингосстрах» АСК фаолият олиб боради. Бу ташкилотларнинг суғурта фонди кема эгаларининг ўтказган суғурта мукофотлари ҳисобидан ташкил этилади. Жамғарма ҳисобидан кема, юк бўйича содир бўладиган суғурта ҳодисаси қопланади. Суғурта ташкилотларининг молиявий асослари суғурта бадаллари ҳисобидан шаклланади. Тўланадиган мукофотлар кемаларнинг ҳажмига, ортилган

юкларнинг миқдорига (тонна), масофасига, суғурта жавобгарлиги миқдорига ҳамда миллий қоидалар талабига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Суғурта рискларида юқорида кўриб ўтилган омиллардан ташқари, атроф муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича ҳам суғурта жавобгарлиги амалга оширилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳозирда нефть маҳсулотларининг катта қисми денгиз сув йўллари орқали ташилмоқда. Баъзан нефть маҳсулотлари океан ва денгизга олиб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда. Шу сабаб, бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фуқаролик жавобгарлиги бўйича халқаро конвенция (1969 йил Брюссел) қабул қилинган бўлиб, у 1975 йилдан тулиқ кучга кирган. Бу конвенция талабига кўра 2 минг тоннадан ортиқ нефть маҳсулоти бўлган ҳар бир кемага тегишли сертификат ҳамда суғурта жавобгарлиги полней берилиши назарда тутилган. Бундай сертификатга эга бўлмаган кемалар, нефть ва нефть маҳсулотларини конвенцияга аъзо давлатлар ҳудудидан олиб ўтиш ҳудудига эга эмаслар.

Дунё миқёсида нефть ва нефть маҳсулотларини ташишга бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги боис танкерга эга бўлган ташкилотлар ўзаро халқаро келишувларга асосланиб фаолият кўрсатмоқдалар. Бундай ташкилотлар мақсади - сув сатҳининг нефть ва нефть маҳсулотлари билан ифлосланишининг олдини олишдир.

Шартнома шартларига асосан кема эгаси барча келтирган зарарни доплати керак. Бугунги кунда халқаро йўналишда хизмат кўрсатаётган танкерларни суғурталовчи халқаро суғурта ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда.

3.2. Ўзбекистонда миллий экспортёрларнинг мулкӣ манфаатларини суғурталаш йўналишларини кенгайтириш йўллари

Суғурта иқтисодиётда бўлаётган барча жараёнлар ва ўзгаришларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли давлат томонидан ташкил этилган суғурта компанияси ўзининг фаолият стратегиясини белгилаб олишда мамлакат иқтисодиётидаги устувор йўналишларни ҳисобга олиши лозим бўлади.

Хусусан, «Ўзбекинвест» компаниясининг 2010 йилга мўлжалланган стратегияси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда ижтимоӣ-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлисидаги республика Президентининг нутқида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 17.04.2006й. ПҚ-325-сонли Қарорига асосланган ҳолда Компаниянинг 2006 йилда ривожлантиришнинг қуйидаги стратегик ривожланиш йўналишлари белгилаб олинган:

1. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаб, олдинги йил даражасига нисбатан камида 130% бўлишига эришиш.

Фаолиятининг бундай юқори кўрсаткичларига эришиш учун компаниянинг маркетинг стратегияси эҳтимол тутилган суғурталанувчиларнинг устувор сегментларида суғурта хизматларини таклиф этиш борасида кучларни бир мақсадга сафарбар қилиш ва ички ресурсларни жамлашга асосланади.

Бундай маркетинг стратегиясининг белгилаб олинган мақсадлари қуйидагича амалга оширилади :

- компаниянинг рақобатбардошлик борасидаги устунликларини ривожлантириш (суғурта хизматларининг сифатини ошириш, барқарор молиявий негизни барқарорлаштириш, инновацион ёндашув, хизматларда қўшимча сервис);

- мижозлар базасининг муайян сегментлари учун суғурта хизматларининг кўламини комплекс пакетларни тақсимлаш ҳисобига кенгайтириш;
- агентлик тармоғини кенгайтириш (актив ва пассив сотиш йўллари ривожлантириш, оммавий суғурта турларини тақдим этишда харажатларни камайтириш);
- реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш (савдо белгисини танилишини таъминлаш, товар рекламасини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали эҳтимолдаги мижозларда ижобий жамоат фикрини шакллантириш);
- мижозларнинг садоқатини ошириш сиёсати (суғурталанувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, суғурта портфелида доимий суғурталанувчиларнинг улушини барқарор бўлишини таъминлаш);
- суғурта бозори ҳолатини доимо таҳлил қилиб бориш, рақобатчилар фаолиятини мунтазам ўрганиш, суғурта хизматларини бошқариш ва сотишни ўзаро мувофиқлаштириш.

Компания эҳтимолдаги мижозлар устувор сегментлари сифатида ташқи иқтисодий фаолият субъектларини, шу жумладан республикадаги хорижий компаниялар ваколатхоналарини, хусусий бизнес субъектлари ва жисмоний шахсларни танлаган.

2. Экспорт-импорт суғуртасини янада ривожлантириш, экспорт шартномалари бўйича хизматлар ҳажмини кескин ўстириш.

Экспорт-импорт суғуртасини авж олдириш стратегияси ташқи иқтисодий фаолиятни босқичма-босқич эркинлаштириш, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган тижорат банклари томонидан экспортни молиялаштиришни фаоллаштириш, ҳуқуқий соҳани шакллантириш, Ўзбекистонга хорижий инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашувчи макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, тайёр ҳолатдаги, шу жумладан юқори технологик ва илм талаб

килувчи миллий маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш анъаналарига таянган ҳолда амалга оширишни талаб қилади.

Мўлжалланган кўрсаткичларга эришиш куйидаги икки йўналишда ишни олиб боришни тақазо қилади:

1. Тегишли вазирликлар, идоралар ва бевосита экспортчилар билан экспорт шартномаларини суғурталашнинг молиявий афзалликларини тушунтириш сиёсатини олиб бориш (экспортчиларнинг мавжуд сегментлари билан ишлаш):

- миллий экспортчиларга тижорат таклифларини юбориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш;
- вазирликлар ва идоралар таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо компаниялари билан фаол иш олиб бориш;
- ушбу суғурта тури бўйича тариф ва андеррайтинг сиёсатини эркинлаштириш;
- экспорт шартномаларини суғурталаш хизматлари кўламини экспортчилар ўртасида истеъмолчилик қизиқишларини таҳлил қилиш ва халқаро экспорт-кредит агентликларининг тажрибасини ўрганиш йўли билан кенгайтириш;
- экспорт суғуртаси бўйича компания хизматлари ҳақида экспортчиларнинг хабардорлигини оширишга йўналтирилган реклама тадбирларини ўтказиш;
- божхона идоралари, тижорат банклари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги ходимларини жалб қилган ҳолда республика вилоятларида тушунтириш семинарларини ташкил этиш.

2. Республикага хорижий инвестициялар жалб қилинишига, ташқи иқтисодий фаолият ривожланиши учун шарт-шароит яратувчи ҳуқуқий соҳани шакллантиришга, корхоналарнинг экспорт имкониятининг ўсишига ва республиканинг валюта ресурсларидан тежамкорлик билан ва оқилона

фойдаланишга кўмаклашиш (ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари эҳтимолдаги сегментини шакллантириш бўйича ишлаш):

- республикада экспорт суғуртасини ривожлантиришнинг ҳукукий асосини такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш;
- экспорт-импорт операцияларини ўтказишнинг амалий ва қонуний жиҳатлари ҳақида кичик ва хусусий бизнес вакилларининг хабардорлигини оширишга кўмаклашиш;
- инвестиция лойиҳаларига уларни амалга оширилишининг барча босқичларида умумий қалтисликлардан комплекс суғурта ҳимоясини тақдим этиш;
- суғурта ҳимоясининг ишончлилигини таъминлаш учун хорижий инвестицияларни қайта суғурталашнинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида етакчи хорижий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- демократик ва бозор ислохотлари амалга оширилаётганлиги муносабати билан мамлакатда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида эҳтимолдаги инвесторларни, халқаро молиявий ташкилотларни, экспорт-кредит агентликларини ва компания ҳамкорларини доимий равишда хабардор қилишни уюштириш.

3. Ташқи бозорларда хизматлар кўрсатиш ва хизматлар экспортини ўсишини таъминлаш.

Халқаро алоқалар ва ташқи қайта суғурта ривожининг асосий кўрсаткичи бўлиб кирувчи ва чиқувчи қайта суғурталашдаги суғурта мукофотлари нисбатининг ошиши ва ташқи бозорда хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши ҳисобланади.

Ташқи бозорларда Компания хизматлар кўрсатиши ва халқаро фаолиятни ривожлантириш, халқаро суғурта бозори иштирокчиларига ўз хизматларини фаолроқ тақдим этиш ва бинобарин, қалтисликлар портфелини мувозанатлаш, кирувчи ташқи қайта суғурталашни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва

тегишли мавқени эгаллаш ҳамда халқаро молиявий ҳамжамиятга кириб бориш мақсадида бозорнинг профессионал иштирокчилари билан тажриба ва тезкор ахборот алмашиш имкониятини беради.

Шу муносабат билан Компания биринчи босқичда йирик корпоратив мижозларни тўла камраб олишга интилади, бу эса Компаниянинг халқаро қайта суғурталаш бозори иштирокчиларига қалтисликларни ўзаро алмашиш бўйича таклифини ошириш имконини беради.

Компания амалдаги халқаро ҳамкорлари – суғурта/қайта суғурта брокерлари билан ишлашда Компания қалтисликларини жойлаштираётганликлари эвазига қайта суғурталашга қалтисликларни қабул қилиш мақсадида агрессив сиёсат олиб боради.

Ташқи қайта суғурталашни ривожлантириш йўлларида бири халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқаро суғурта бозоридаги обрўини ва ҳамкорлар ишончини оширишдир. Ушбу йўналишни амалга ошириш учун халқаро эксперт агентликларидан бирининг ижобий баҳосини олиш зарур бўлади. Бу Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар билан қалтисликларни қайта суғурталашни алмашинишда компания иштирокини кенгайтириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаол суғурта ва қайта суғурталаш ҳимоясини тақдим этиш имкониятини беради. Компания Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Ҳиндистон ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари билан Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан экспорт-импорт операциялари ўсиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда қайта суғурталаш операцияларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

4. Филиалларнинг суғурта фаолиятини ривожлантириш.

Компаниянинг суғурта хизматларини ривожлантириш борасида ҳудудий филиалларнинг фаолиятини ривожлантириш муҳим ўрин тутди:

-Компания учун корпоратив мижозлар сони кўпайишини таъминловчи кичик ва хусусий бизнес вакилларига суғурта ҳимоясини тақдим этишни

чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарур. Ушбу мақсадда Компания тадбиркорларнинг шахсий эҳтиёжларига мослашувчан ёндашувни ҳисобга олган ҳолда бозорнинг мазкур сегментида суғурта фаолиятини жадаллаштиришни, суғурта шартномалари бўйича хизмат кўрсатишда хизматлар сервиси юқори сифатли бўлишини таъминлашни режалаштирмоқда. Бундан ташқари Компания ихтисослашган шўъба корхоналари орқали кичик ва хусусий бизнес учун маркетинг ва ассистанс хизматларини кенгайтирган ҳолда имтиёзли комплекс суғурта дастурларини жорий қилмоқда;

- экспортчилар, кичик ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг кредит ресурсларига эришишларини енгиллаштириш ҳамда Ўзбекистон банклари орқали кредит ресурсларини тақдим этаётган хорижий молиявий ташкилотлар манфаатларини қўшимча ҳимоя қилиш механизмларини яратиш учун миллий тижорат банкларининг кредит портфелларини суғурталашни ривожлантириш мақсадида банк қалтисликларини суғурталаш ва банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- Компаниянинг мижозлар базасини сезиларли даражада кенгайтиришга имкон берувчи агентлик тармоғи орқали жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш йўли билан мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича жисмоний шахслар секторида Компания улушини ошириш.

Компаниянинг фаолияти ўз мижозларининг эҳтиёжлари ва талабларини тез ва мослашувчан тарзда аниқлашга ва қониқтиришга қаратилган. Компаниянинг ушбу соҳадаги фаолиятининг асосий йўналишлари хизматлар даражасини мижозлар талаблари ва эҳтиёжларига мос даражага етказиш, операцион маркетинг функцияларини кучайтириш, камчиликларини, талаб даражасида сотилмаслик сабабларини аниқлаш мақсадида амалдаги хизматларнинг мониторингини ўтказиш, талаб бўлмаган суғурта хизматларини алмаштиришдир. Компания турли истеъмолчилар гуруҳларига эътибор қаратган ҳолда суғурта хизматларини амалдаги ва замонавийлаштирилган сотиш йўллариининг мониторинги ва таҳлилини ҳисобга олиб, суғурта

хизматларини сотиш йўлларини излаш ва кенгайтириш юзасидан стратегик чоралар кўради. Шунингдек ҳар бир миқознинг шахсий эҳтиёжларига жавоб берадиган хизматлар пакетини тезкор тақдим этиш ва бошқариш мақсадида VIP, корпоратив ва сadoқатли тоифаларга бўлган ҳолда суғурталанувчилар бўйича автоматлашган маълумотлар базасини яратиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга Компания филиалларининг рақобатдаги устунликлари борасидаги муаммоларига, моддий-техника ва ахборот базасини яхшилаш, ходимларни ўқитиш ва лавозимга кўтариш, сотувчи бўлинмаларнинг мотивацияси масалаларига алоҳида эътибор қаратишни мўлжаллаган.

5. Агентлик тармоғини кенгайтириш ва суғурта агентликларини, шу жумладан қишлоқ жойларида очган ҳолда, агентлар сонини 20% га ўсишини таъминлаш.

Компаниянинг 2010 йилдаги стратегик мақсадларидан бири ҳудудий туман ва тармоқлар бўйича суғурталанувчиларнинг суғурта хизматларини эркин ва тезкор олиш талабларига жавоб берадиган агентлик тармоғини шакллантиришдир. Ушбу йўналишдаги иш қуйидагича қурилмоқда:

- сотишни оптималлаштириш, тармоқни ташкил этиш, агентларнинг ривожланишига инвестициялар, рағбатлантириш тизими, сотишни назорат қилиш ва натижаларни доимий тарзда таҳлил қилишнинг ташкилий масалаларини назарда тутувчи агентлик тармоғини ривожлантириш ва сотишни рағбатлантириш дастурини ишлаб чиқиш;
реклама, услубий материаллар, сотиш йўлларига оид маслаҳатларни ва истеъмолчилар эҳтиёжларини ўрганишга қаратилган маркетинг таҳлилини ўз ичига олувчи агентлар ва сотувчиларнинг ахборот кўмагини яратиш;
- агентларни узлуксиз ўқитиш ва уларнинг касб кўникмаларини такомиллаштириш тизимини шакллантириш.

Агентлик тармоғи Компания томонидан бутун республика бўйлаб, шу жумладан қишлоқларда очилаётган суғурта агентликлари билан бирлаштирилади. Хусусан, Тошкент шаҳар, Наманган, Самарқанд ва Хоразм

вилоятларидаги агентлар тармоғини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Суғурта хизматларидан аҳолининг фойдалана олишини, шу жумладан жисмоний шахслар учун хизматлар пакетини баҳо ассортименти бўйича ишлаб чиқиш орқали осонлаштириш Компаниянинг устувор вазифасидир.

Айни пайтда республика ҳудудида тиббий, техник ва юридик ассистанс бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни кенгайтиришни назарда тутувчи суғурта бозорининг инфратузилмаси ривожланишига кўмаклашиш режалаштирилмоқда. «Ўзбекинвест» узоқ муддатли ва жамғарма турдаги суғурта механизмларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг муҳимлигини англаган ҳолда «Ўзбекинвест Ҳаёт» шўъба суғурта компанияси фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ишни олиб боришни ва республика ҳудудларида шўъба компаниянинг ваколатхоналарини ташкил қилишни режалаштирган.

6. Суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда кўмаклашиш.

Компаниянинг «Суғурта олами» ўқув маркази касб маҳоратини ошириш мақсадида доимий асосда суғурта агентлари, республика суғурта ташкилотлари ходимлари учун машғулотлар ўтказишни давом эттиради.

Компаниянинг кадрлар сиёсатини такомиллаштириш қуйидаги тадбирларни назарда тутди:

- экспорт суғуртаси учун масъул бўлган кадрлар малакаси даражасини ошириш;

- «Суғурта олами» ўқув маркази базасида Компания ходимларининг касб кўникмаларини кучайтириш мақсадида ходимларнинг суғурта ишини юритиш, андеррайтинг ва ҳисоб сиёсати, ахборот технологиялари, мижоз билан муомала қилганда психология ва бошқа масалалар бўйича малакасини доимий ва мунтазам равишда ошириб бориш;

- суғурта агентларининг малакасини ошириш ишини кучайтириш, хусусан суғурта хизматлари сотувчиларини тайёрлашнинг ягона тизимини ишлаб чиқиш.

- “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг мамлакат суғурта бозорида тутган ўрнини аниқлаш ва таҳлил этиш;
- “Ўзбекинвест” ЭИМСКнинг истиқболдаги ривожланиш стратегияси бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

-«Ўзбекинвест» ЭИМСКнинг фаолияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинди, мамлакат суғурта бозоридаги ўрни кўрсатиб берилди ва истиқболдаги ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди.

9. «Ўзбекинвест» олдига республика ҳукумати томонидан қўйилган асосий вазифа - хорижий инвесторлар ва миллий экспорт қилувчиларни инвестиция ҳамда тадбиркорлик фаолияти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган, қалтисликлардан ишочли суғурта кафолатлари билан таъминлашни ҳал этиш қуйидагиларни назарда тутди:

- хорижий ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилувчи сиёсий ва тижорат рискларидан чет элдаги миллий экспортёрларни иқтисодий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш;

- экспорт кредитларининг халқаро тамойилларга биноан технология, товар ва хизматларни экспортини молиялаштириш учун кредитлар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг резидент тижорат банкларига суғурта ҳимояларини тақдим этиш;

- технология, товар ва хизматлар халқаро бозорининг ривожланиш истиқболларини ва ҳолатини комплекс маркетинг таҳлилинини ташкил этиш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт имкониятларини ўрганиш ва технология товар ҳамда хизматларни халқаро бозорларда тақдим этиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига капитал қўйилмаларни амалга ошираётган хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва шахсий манфаатларини комплекс суғурта ҳимояси билан таъминлаш.

15. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни қўллаб қувватлаш мақсадида Компаниянинг 2006 йилда ривожлантиришнинг қуйидаги стратегик ривожланиш йўналишлари белгилаб олинган:

15.1. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаб, олдинги йил даражасига нисбатан камида 130% бўлишига эришиш.

Бундай маркетинг стратегиясининг белгилаб олинган мақсадлари қуйидагича амалга оширилиши даркор:

- компаниянинг рақобатбардошлик борасидаги устунликларини ривожлантириш (суғурта хизматларининг сифатини ошириш, барқарор молиявий негизни барқарорлаштириш, инновацион ёндашув, хизматларда қўшимча сервис);

- миқозлар базасининг муайян сегментлари учун суғурта хизматларининг қўламини комплекс пакетларни тақсимлаш ҳисобига кенгайтириш;

- агентлик тармоғини кенгайтириш (актив ва пассив сотиш йўллари ривожлантириш, оммавий суғурта турларини тақдим этишда харажатларни камайтириш);

- реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш (савдо белгисини танилишини таъминлаш, товар рекламасини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари орқали эҳтимолдаги миқозларда ижобий жамоат фикрини шакллантириш);

- миқозларнинг садоқатини ошириш сиёсати (суғурталанувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, суғурта портфелида доимий суғурталанувчиларнинг улушини барқарор бўлишини таъминлаш);

- суғурта бозори ҳолатини доимо таҳлил қилиб бориш, рақобатчилар фаолиятини мунтазам ўрганиш, суғурта хизматларини бошқариш ва сотишни ўзаро мувофиқлаштириш.

15.2. Экспорт-импорт суғуртасини янада ривожлантириш, экспорт шартномалари бўйича хизматлар ҳажмини кескин ўстириш.

16. Мўлжалланган кўрсаткичларга эришиш куйидаги икки йўналишда ишни олиб боришни тақозо қилади:

- Тегишли вазирликлар, идоралар ва бевосита экспортчилар билан экспорт шартномаларини суғурталашнинг молиявий афзалликларини тушунтириш сиёсатини олиб бориш (экспортчиларнинг мавжуд сегментлари билан ишлаш).

- Республикага хорижий инвестициялар жалб қилинишига, ташқи иқтисодий фаолият ривожланиши учун шарт-шароит яратувчи ҳуқуқий соҳани шакллантиришга, корхоналарнинг экспорт имкониятининг ўсишига ва республиканинг валюта ресурсларидан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишга кўмаклашиш (ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари эҳтимолдаги сегментини шакллантириш бўйича ишлаш).

- Ташқи бозорларда хизматлар кўрсатиш ва хизматлар экспортини ўсишини таъминлаш.

- Филиалларнинг суғурта фаолиятини ривожлантириш.

- Агентлик тармоғини кенгайтириш ва суғурта агентликларини, шу жумладан қишлоқ жойларида очган ҳолда, агентлар сонини 20% га ўсишини таъминлаш.

Хулоса ва таклифлар

Миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашда суғурта катта аҳамиятга эга эканлигига биз ушбу магистрлик диссертациясини ёзиш натижасида амин бўлдик. Шу билан бир қаторда қуйидаги асосий хулосаларни ва таклифларни шакллантирдик.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришда ҳозирги замон иқтисодий назарияси ва экспортга йўналтирилган тараққиётни тартибга солишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим.

Мустақиллик йиллари республикамизда экспортни ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Экспортга ихтисослашган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, маҳаллийлаштириш дастури асосида ўз маҳсулотларини четга экспорт қилувчи корхоналарга солиқдан имтиёзлар берилди. Бунинг натижаси ўлароқ, республиканинг ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 8006,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Экспорт контрактларини суғурта қилиш, шунингдек сармоя, товарлар ва хизматлар халқаро бозорларида давлатнинг ва миллий экспорт қилувчиларнинг манфаатларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан ҳимоя қилиш мақсадида экспорт контрактлари бўйича тижорат банкларининг кредитларига суғурта қопламаси беришни назарда тутди.

2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2010 йил учун белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий экспортерларнинг мулкӣ манфаатларини суғурта ҳимоясига олишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ.

Кўрсатилаётган суғурта хизматларининг ҳам бутунлай, ҳам айрим турлари бўйича сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш йўли билан кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш.

Экспорт-импортни суғурталаш ҳажмларини ошириш йўли билан миллий экспортимизнинг ривожланишига, миллий экспортчилар орасида реклама, тушунтириш (семинарлар, ўқув курслари) ва маслаҳат бериш ишларини кенг амалга оширишга, вазирликлар ва идоралар билан, қўшма корхона ва ташқи савдо компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

Чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ва улар амалга ошираётган инвестиция лойиҳаларини суғурта ҳимояси билан таъминлаш воситасида чет эл инвестицияларини жалб этишга ҳар томонлама ёрдам бериш.

Ипотекани кредитлашни, истеъмол кредитларини ва микрокредитларни, лизингни суғурталаш (мол-мулкни, гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталаш ва ҳоказо) хизматлари соҳасини ва ҳажмини кенгайтириш йўли билан банк-молия тизими янада ривожланишига ҳар томонлама ёрдам бериш.

Жисмоний шахсларни суғурталашни ривожлантириш ҳамда ҳаётни суғурталаш, бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, тиббий суғурта, мол-мулкни, жавобгарликни суғурталашни ривожлантириш, республиканинг барча минтақаларидаги маҳаллий бошқарув органлари (маҳаллалар) билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ижобий ижтимоий фикрни шакллантириш ҳамда суғурта институтига ишончни ошириш мақсадида кенг реклама-тушунтириш ишини олиб бориш йўли билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш воситаларини таъминлаш ва такомиллаштиришга ҳар томонлама ёрдам бериш.

Йирик рискларни қайта тақсимлаш ҳамда чет эл суғурта ва қайта суғурта компаниялари билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали компаниянинг хатарларни диверсификациялаш стратегияси доирасида амалга оширилаётган суғурта операцияларининг молиявий барқарорлигини янада тулиқ таъминлаш.

Республика минтақаларида суғуртани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, вакиллар ва дистрибьюторлар тармоғини кенгайтириш, компания ходимларининг малакаси ва профессионал даражасини ошириш.

Тегишли вазирликлар, идоралар ва бевосита экспортчилар билан экспорт шартномаларини суғурталашнинг молиявий афзалликларини тушунтириш сиёсатини олиб бориш (экспортчиларнинг мавжуд сегментлари билан ишлаш):

- миллий экспортчиларга тижорат таклифларини юбориш ва жойларда учрашувлар ўтказиш;
- вазирликлар ва идоралар таркибига кирувчи Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо компаниялари билан фаол иш олиб бориш;
- ушбу суғурта тури бўйича тариф ва андеррайтинг сиёсатини эркинлаштириш;
- экспорт шартномаларини суғурталаш хизматлари кўламини экспортчилар ўртасида истеъмолчилик қизиқишларини таҳлил қилиш ва халқаро экспорт-кредит агентликларининг тажрибасини ўрганиш йўли билан кенгайтириш;
- экспорт суғуртаси бўйича компания хизматлари ҳақида экспортчиларнинг хабардорлигини оширишга йўналтирилган реклама тадбирларини ўтказиш;
- божхона идоралари, тижорат банклари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги ходимларини жалб қилган ҳолда республика вилоятларида тушунтириш семинарларини ташкил этиш.

Республикага хорижий инвестициялар жалб қилинишига, ташқи иқтисодий фаолият ривожланиши учун шарт-шароит яратувчи ҳуқуқий соҳани шакллантиришга, корхоналарнинг экспорт имкониятининг ўсишига ва республиканинг валюта ресурсларидан тежамкорлик билан ва оқилона фойдаланишга кўмаклашиш (ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари эҳтимолдаги сегментини шакллантириш бўйича ишлаш):

- республикада экспорт суғуртасини ривожлантиришнинг ҳукукий асосини такомиллаштириш;
- экспорт-импорт операцияларини ўтказишнинг амалий ва қонуний жиҳатлари ҳақида кичик ва хусусий бизнес вакилларининг хабардорлигини оширишга қўмаклашиш;
- инвестиция лойиҳаларига уларни амалга оширилишининг барча босқичларида умумий қалтисликлардан комплекс суғурта ҳимоясини тақдим этиш;
- суғурта ҳимоясининг ишончлилигини таъминлаш учун хорижий инвестицияларни қайта суғурталашнинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида етакчи хорижий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;
- демократик ва бозор ислоҳотлари амалга оширилаётганлиги муносабати билан мамлакатда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида эҳтимолдаги инвесторларни, халқаро молиявий ташкилотларни, экспорт-кредит агентликларини ва компания ҳамкорларини доимий равишда хабардор қилишни уюштириш.

Ташқи бозорларда хизматлар кўрсатиш ва хизматлар экспортини ўсишини таъминлаш.

Халқаро алоқалар ва ташқи қайта суғурта ривожининг асосий кўрсаткичи бўлиб кирувчи ва чиқувчи қайта суғурталашдаги суғурта мукофотлари нисбатининг ошиши ва ташқи бозорда хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши ҳисобланади.

Ташқи бозорларда Компания хизматлар кўрсатиши ва халқаро фаолиятни ривожлантириш, халқаро суғурта бозори иштирокчиларига ўз хизматларини фаолроқ тақдим этиш ва бинобарин, қалтисликлар портфелини мувозанатлаш, кирувчи ташқи қайта суғурталашни ривожлантириш, тажриба алмашиш ва тегишли мавқени эгаллаш ҳамда халқаро молиявий ҳамжамиятга кириб бориш

мақсадида бозорнинг профессионал иштирокчилари билан тажриба ва тезкор ахборот алмашиш имкониятини беради.

Ташқи қайта суғурталашни ривожлантириш йўлларида бири халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқаро суғурта бозоридаги обрўини ва ҳамкорлар ишончини оширишдир. Ушбу йўналишни амалга ошириш учун халқаро эксперт агентликларидан бирининг ижобий баҳосини олиш зарур бўлади. Бу Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар билан қалтисликларни қайта суғурталашни алмашинишда компания иштирокини кенгайтириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари фаол суғурта ва қайта суғурталаш ҳимоясини тақдим этиш имкониятини беради. Миллий суғурталовчилар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, Ҳиндистон ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари компаниялари билан Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан экспорт-импорт операциялари ўсиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда қайта суғурталаш операцияларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.-496 б.
2. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Адлия вазирлиги, 2008. – 17-сон.
3. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Адлия вазирлиги, 2009. – 16-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». - Т.: 2002 й., 5 апрель.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 28 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Қонуни. Т.: 2007 й., 15 сентябрь.// «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 15 сентябрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Қонуни. Т.: 2009 й., 23 декабрь.// «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 23 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.// «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 11 апрель.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча

чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори. “Халқ сўзи”, 2008 йил 22 май.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3022-сон Фармони.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 1 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.// Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами, 2002, 11.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т.: Адлия вазирлиги, 2008 йил, 26-27-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори. - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – Т.: Адлия вазирлиги, 2009 йил, 26-сон.

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

15. Каримов И.А. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 б. 12.

16. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ И.А.Каримов.- Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

17. Анализ рынка ОСГО Узбекистана за 2009 год.//Бизнес-вестник Востока, 28 января 2010 года №5 (1218), стр.14-15.

18. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. Учебник для вузов - СПб.: Питер, 2001. - 256 с.
19. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
20. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 320 с.
21. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.
22. Гребенщиков Э.С. Финансовый кризис в мире: последствия и уроки для страхового бизнеса, регуляторов и страхователей// Финансы, №3 2009 г. с.53-54.
23. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка - 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. с.86-91.
24. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. с.1-2.
25. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. с.1-2.
26. Итоги страхового рынка за I полугодие 2009 г.//Бизнес-вестник Востока, №54 2009 г., с.12.
27. Страхование: учебник/Под ред. проф. Т.А.Федоровой. - СПб.:Магистр , 2008.-768 с.
28. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.
29. Страхование: Учебник. В 2 т. (пер. с нем. О.И. Крюгер и Т.А. Федоровой). - т.1: Основы страхования/под ред. О.И. Крюгер. - М.: Экономистъ, 2004. - 447 с.
30. Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов.-М.: ЮНИТИ, 2001. -311 с.
31. Махмудова Л. Суғурта иши. Ўқув қўлланма.-Т.: ТАҚИ, 2004 й.

32. Собиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. - Т.: Мехнат, 1998. - 160 б.
33. Хўжаев Й. Ташқи иқтисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўлланма.-Т.: Солиқ академияси, 2005.
34. Адамчук Н.Г., Юлдашева Р.Т. Обзор страховых рынков ведущих стран мира. (серия «Мировые страховые рынки»). - М.: Анкил, 2001.
35. Архипов А.П., Гомелля В.Б. Основы страхового дела. Учебное пособие. – М.: Маркет ДС, 2002.
36. Гинзбург А.И. Страхование. - СПб: Питер, 2002. - 176 с.
37. Грищенко Н.Б. Основы страховой деятельности: Учеб. пособие. - М: Финансы и статистика, 2004. - 352 с.
38. Ермасов С.В., Ермасова Н.Б. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 462 с.
39. Ефимов С.Л. Энциклопедический словарь. Экономика и страхование. М. : Церих - ПЭЛ, 1996. I-X,
40. Климова М.А. Страхование: Учеб. пособие. - М.: ПРИОР, 2004. - 137 с.
41. Корнилов И.Л. Основы страховой математики: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. - 400 с.
42. Крутик А.Б., Никитина Т.В. Страхование: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2001. - 256 с.
43. Мажбурий суғурта афзалликлари//Халқ сўзи, 2009 йил 25 апрель.
44. Пфайффер Кристоф Введение в перестрахование. - М.: Анкил, 2000.
45. Роик В.Д. Профессиональный риск: оценка и управление. - М.: "Анкил", 2004. - 224 с.
46. Романова М.В. Налогообложение страховой деятельности. /Под ред. В.В.Шахова.-М.: Финансы и статистика, 2002.
47. Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страховое дело: Учебное пособие для вузов. Изд-е 2-е перераб. и доп. - Ростов н/Д.: "Феникс", 2003. - 384 с. - серия "Высшее образование"
48. Скамай Л.Г. Страхование: учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2001.

49. Современный финансово-кредитный словарь./Под общ. ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского.-М.: ИНФРА-М,1999,-526 с.
50. Сплетуков Ю.А. Страхование ответственности. - М.: Аудит, 2001.-172 с.
51. Сплетуков Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2002.
52. Сплетуков Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 2005. - 311 с. - (Серия "Высшее образование").
53. Страхование /под ред. Т.А.Федоровой. - М.: "Экономистъ", 2003. - 875 с.
54. Страхование: принципы и практика / Составитель Дэвид Бланд: Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 1998. - 416 с.
55. Теория и практика страхования. Учебное пособие. – М.: Издательский центр «Анкил», 2003.
56. Федоров Т.А. Страхование в условиях рыночной экономики: принципы и практика. Учебное пособие. Изд-во СПбУЭФ, 1995.
57. Фонд ОСГО подвел предварительные итоги за 2009 год. //Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
58. Яковлева Т.А., Шевченко О.Ю. Страхование: Учеб. пособие – М.: Юрист, 2003.
59. Шахов В.В., Миллерман А.С., Медведев В.Г. Теория и управление рисками в страховании. - М.: Финансы и статистика, 2002. - 224 с.
60. Фогельсон Ю.Б. Введение в страховое право. Просто о сложном. Издание второе. - М.: БЕК, 2001.
61. Шихов А.К. Страхование: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000. - 431 с.
62. Юлдашев Р. Страховой бизнес. Словарь. – М.: Анкил, 2000 г.-272 с.
63. Абдуллаев Ё., Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятини солиққа тортишда дунё талаблари даражасига эришиш.//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 3 - 2003.
64. Абдурахмонов К., Шеннаев Х. Инвестиционная деятельность страховых

компаний.-«Рынок, деньги и кредит», 2003 г., №5.

65. Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Развитие страхового законодательства республики. // журнал «Рынок, деньги и кредит», 2002. -№11-12.

66. Джураев Т., Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Аспекты деятельности и структура органов страхового надзора за рубежом. //Экономический вестник Узбекистана, 1/2. -2001.

67. Имомов Ш. Ўзбекистонда суғурта бозори шаклланишининг хусусиятлари.// “Бозор, пул ва кредит” журнали, 1997 йил 5-сон.

68. Имомов Ш. Суғурта иктисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили.// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 27 февраль.

69. Имомов Ш. Страхование как инструмент защиты бизнеса.//Рынок, деньги и кредит, 6. - 2002.

70. Йўлдошев М., Турсунов Й. Суғурта фаолияти аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2. - 2002.

71. Кадирова Х. Развитие страхового рынка в Наманганской области.//Бозор, пул ва кредит. 2. 2002.

72. Каримов Ҳ. Суғурта бозори. Республикамизда у қачон вужудга келади?// «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил 16 январь.

73. Маликов Т., Шеннаев Х. Суғуртанинг афзаллиги акс этсин. // «Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 4 апрель.

74. Мирсадыков М. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана.//Рынок, деньги и кредит, 8. - 2001.

75. Мирсадыкова Д. Заключение и исполнение договоров страхования.//Менинг мулким - Частная собственность, 47. - 2001.

76. Икромов О.Ғ., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.

77. Тоҳиров А. Суғурта хизмати янги босқичда.//«Халқ сўзи» газетаси, 2002 йил, 25 апрель.

78. Тоҳиров А. Амир Темур салтанатида суғурта масалалари.//“Жамият ва Бошқарув” журнали, 2003. №4 65-66 б.
79. Тоҳиров А. Суғурта бозори: шаклланиши ва ривожланиши.// “Жамият ва Бошқарув” журнали. 2005. №1 33-34 б.
80. Шеннаев Х.М. Страховая система Узбекистана: этапы становления. - журнал «Рынок, деньги и кредит», №6 2004 г.
81. Шеннаев Х.М. Ўтиш даври иқтисодиётида суғурта масаласи ва уни истиқболлари.//”Бозор, пул ва кредит” журнали, 2005. №3.
82. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
83. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
84. “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси расмий маълумотлари
85. www.allinsurance.ru.
86. www.expert.ru.
87. www.ankil.ru.
88. www.znay.ru.
89. www.strahovka.ru.
90. www.agros.uz.
91. www.uzbekinvest.uz.
92. www.kafolat.uz.
93. www.euroasiainsurance.uz.
94. www.alfainvest.uz.
95. www.alskom.uz.
96. www.kapitalsugurta.uz.
97. www.UzReport.com.